

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ШАҲАРСОЗЛИГИНИНГ
ИЛМий АСОСЛАРИ”**

ФАНИДАН

Ўқув қўлланма

Тошкент 2014

Муаллифлар: проф. Латипов Д.В., доц. Мирзаев М.К., доц. Холмирзаев К.М.

Ушбу ўқув қўлланмада туманларни режалаштириш, шаҳарсозлик, шаҳарлар, аҳоли жойлари, уларнинг турли хил функционал элементларни лойиҳалаш, қурилиш масалалари, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг табиий — иқлимий шароитлари, шаҳарсозлик экологияси, иқтисодиёти ва хусусий муаммоларини ечиш ўз аксини топган.

У олий ўқув юртлирининг «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» мутахассислиги бўйича таълим олаётган магистратура талабалари учун мўлжалланган.

«Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» кафедраси

Тақризчилар: 1. Архитектура доктори, профессор Аҳмедов М.Қ.
2. Архитектура номзоди Инагамов Б.И.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан турдош олий ўқув юртлири учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлиги бўйича мазкур маъруза матни замонавий аҳоли жойларининг ва уларнинг ишлаб чиқариш мажмуаларини худудий режалаш, қуриш, лойиҳалаш масалаларини, аҳоли жойларини лойиҳалашда табиий-илмий хусусиятларни ҳисобга олиш масалалари, ободонлаштириш, экология, шаҳарсозлик иктисодиёти масалаларини, шунингдек ҳуқуқий масалалар ҳал этилишини ёритади.

Авваламбор, Республикамизнинг мустақилликка эришуви, иккинчидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва ўқув тизимини тубдан ислохот қилишни назарда тутган «Ўзбекистон Республикаси кадрларни тайёрлаш Миллий дастури» нинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлигини алоҳида фан сифатида олий ўқув юртларининг магистратура босқичида ўқитиш имкониятини яратди.

Мазкур маъруза матни «Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлиги асослари» дастурига мувофиқ тузилган.

Маъруза матни тайёрлашда муаллифларнинг илмий-тадқиқот ва шаҳарсозлик соҳасидаги лойиҳа институтлари, меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқарув органларидаги кўп йиллик меҳнати, шунингдек мазкур курс бўйича Тошкент Архитектура - Қурилиш институтида таълим бериш тажрибаси ва аҳоли жойларини режалаш ва қуриш масалалари бўйича махсус адабиётлар, Ўзбекистон Республикасида шаҳарсозлик соҳасида иш олиб бораётган лойиҳа институтлари материалларидан фойдаланилган.

Ушбу ўқув қўлланма Республика Олий ўқув юртлари «Шаҳарсозлик ва ландшафт архитектураси» ихтисослиги бўйича таълим олаётган магистратура босқичи талабаларига ўқув қўлланма сифатида мўлжалланган жъми 60, аудитория соатини ўз ичига олади. Шундан 40 соати ўқитувчи томонидан ўтиладиган маърузалар бўлиб, 20 соати талабанинг амалий таълим олишига ажратилган.

1- Бўлим. Ўзбекистонда аҳоли жойлашуви ва туманни режалаштириш хусусиятлари

1.1. Республикада шаҳарсозликнинг табиий - илмий хусусиятлари.

Табиий шарт- шароитлар шундай омилки, уларни ҳисобга олмасдан лойиҳалаш - режалаштириш ишларини амалга ошириб бўлмайди. Уларнинг ичида иклимий, геоморфологик, геологик, гидрологик шарт-шароитлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон иқлими кескин континентал, у кундузги ва тунги, ёзги ва қишки, температуралар кескин амплитудаси орқали белгиланади. Континенталликнинг характерли натижаси бўлиб қурғоқчилик, атмосфера ёғинларининг камлиги, ёзда ҳаво нисбий намлигининг кичиклиги, кам булутлилиқ ва шу билан боғлиқ қуёшли кунларнинг кўплигидир.

Бу умумий тавсияномалар регионларнинг кенгликда жойлашуви билан боғлиқ, анча кенг диапазонга эгадир.

Энг паст температура шимолда - ўртача - 8°C, аммо - 33-35°C гача етади, шу билан бир вақтда узок; жанубда ўртача 28°C иссиқ. шимолда совуқ давр 5 ой. жанубда 1,5 - 2 ой давом этади. Жанубда энг юқори температура 42° C дан юқори. бу ерда 49,6 °C температура қайд этилган, чўл туманларда температура 70 C гача етади.

Ёғинларнинг тақсимланиши ҳам ўта нотекис. Худуднинг кўп қисмида йиллик ёғин миқдори 200-300 миллиметрдан ошмайди, чўл қисмларда ёғинлар 10 мм дан кам ёғади, чўл текисликларидан шарққа ва жанубга ёғинлар миқдори ошиб боради ва тоғли туманларда 900-950 мм га етади.

Шамол режими қурилмалар, тархий ечимига таъсир қилувчи муҳим омил ҳисобланали. Ўзбекистон регионлари шамол режими бўйича анчагина фарққа эгадирлар - тинч оқимли регионлардан тортиб, то кучли шамол эсадиган ва чанг-бўронли регионларгача. Шунга кўра, тархий ечимлар ҳам худуд аэрациясини кучайтиришга ёки яшаш маконларини кучли ноқулай шамоллардан тўсишга қаратилгандир.

ГЕОМОРФОЛОГИК ВА ГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАР.

Ўзбекистон Республикаси ўзига хос текислик ва тор рельефининг уйғунлигидан иборат. Текисликлар жанубий-ғарб ва шимолий-ғарб қисмларда жойлашган. Тоғлар ва тоғ олди қисмлари республиканинг тахминан учдан бирини эгаллаган ҳолда шарқ ва жанубий - шарқда жойлашган ва Тянь-Шан ва Хисор- Олой тизимларининг қисмларидир.

Тоғлар орасида йирик пасттекисликлар - Фарғона водийси. Тошкент - Мирзачўл. Санзор-Нурота ва Сурхондарё водийлари. Самарканд Қашқадарё ва Сурхондарё водийлари жойлашган тоғлик туманларда серҳосил бўлади, кўчки

жараёнлари юз беради. Лесс тупроқлари тарқалган текислик ҳудудларда эса чўкиш жараёнлари содир бўлади.

Республика ҳудуди юқори 8-9 балли сейсмиклик билан характерланади; бу давом этаётган неотектоник активликнинг натижасидир.

Лойиҳа олди таҳлили босқичида инженер-геологик шароитларни белгилайдиган, физик-геологик омилларни ҳисобга олган ҳолда, текисликнинг геоморфологик тузилишини чуқур ишлаб чиқиш талаб қилинади.

ГИДРОЛОГИК ВА ГИДРОГЕОЛОГИК ШАРОИТЛАР.

Ўзбекистон ҳудудининг сув билан таъминланганлиги жудаям ҳар хил, сув ресурслари ошиқча регионлар билан бир қаторда сув манбалари умуман тансиқ вилоятлар анчагина. Тоғлик туманлар дарёларнинг кенг тармоғига эга бўлган ҳолда, Республиканинг 2/3 қисмини эгаллаган кенг текисликларда сув манбаълари жудаям кам. Барча мавжуд дарёларнинг манбаълари қор ва муз сувларидир.

Ўзбекистоннинг йирик дарёлари - Амударё ва Сирдарё. кўллар кам, энг йириги - Орол, нисбатан катталари - Арнасой ва Судочье. Охирги ўн минг йилликларда республика ҳудудида сунъий кўл - сув омборлари - Чорвок Оҳангарон. Туябугиз, Жанубий Сурхондарё, Чимқургон ва бошқалар пайдо бўлди.

Сув ресурсларини тавсифлашда ер ости сувлари алоҳида ўрин тутати, уларнинг аҳамияти сув танқис бўлган қурғоқчил ва чўл туманларда юқоридир. Ер ости сувлари платформа типигаги йирик артезиан хавзалари - Устюрт, Тўрғай, Сирдарё, Бухоро-Қарши ва Амударё хавзаларига тегишлидир.

Ер ости сувлари манбаларидан фойдаланиш, уларнинг техноген таъсиридан ҳимояланганлиги туфайли ҳам мақсадга мувофиқдир. Улардан хўжалик-ичимлик сув таъминоти учун, минераллашганларидан даволаш мақсадлари учун фойдаланилади

Сув ресурслари энг муҳим, бош омил бўлиб ҳудуднинг хўжалик ўзлаштириш имкониятлари ва демографик сиғимини белгилайди.


Минерал хом ашё ресурслари ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш, аҳоли жойлашувини ташкил этиш омили бўлиб, ҳудудни функционал ташкил этишда тархий чекланишлар қўяди.

Ўзбекистон Республикаси турли хил фойдали қазилмаларга бой, унда минерал ресурсларнинг 750 тури мавжуд. Ўзбекистоннинг табиий - иқлимий шароитлари 1-расмда акс эттирилган.

Шаҳарсозлик, лойиҳавий-тарихий ишлар табиий-иқлимий туманлаштириш материаллари асосида амалга оширилади, жумладан:

- Ўзбекистоннинг умумий туманлаштириш;
- чангли бўронлар давомийлиги бўйича Ўзбекистон ҳудудини туманлаштириш;

- шамол режими бўйича туманлаштириш;
 - заррачалар ёйилиш шароитлари бўйича туманлаштириш;
 - сел хавфли туманлар жойлашув чизмаси;
 - сейсмик туманлаштириш;
 - сув режими чизмаси;
-
- шаҳар қурилиши мақсадлари учун туманлаштириш;
 - агроиклимий туманлаштириш;
 - оммавий дам олишни ташкил этиш шароитлари бўйича туманлаштириш.



Магистралларни трассалаш, кўкаламзор йўлаклар қолдириш, уйларнинг ориентацияси иморатларнинг ва очик ҳудудларнинг микроиклимини яхшилашга қаратилган. Турар жой бинолари учун кенглик ориентацияси, қуёш тўсқич ускуналар ва елвизак шамоллатиш мақсадга мувофиқдир, келажакда эса оммавий равишда ҳавони кондиционерлаш мўлжалланган. Иқлимий шароитлардан келиб чиқадиган иккинчи талаб эса, иморатларнинг қаватини камайтириш, турар жой ва жамоат биноларида лифт қўллаш лозим.


Чўл қисмларидаги қурилмалар характери водийлардагидан тубдан фарқ қилади.

Масалан, чўл қисмлар учун, ички маконни ташқи ва иссиқ чанг шамолли чўл иқлимидан тўсадиган қурилмалар характерли бўлса (1-1 расм), водийлар

қисмида эса қурилмалар учун очик, шамоллатиш ва салқин шамоллар таъсиридан фойдаланиш имконини берувчи тархий таркиблар характерлидир (1-2 расм).

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистон иклимининг тавсифи қандай?
2. Температура режими қандай?
3. Ўзбекистонда ёгинларнинг таксимланиши қанақа?
4. Шамол режими қандай?
5. Ўзбекистон геоморфологияси қандай?
6. Сейсмик тавсифи қанақа?



Чўл ҳудудлари учун ёпик таркибли турар-жойлар(а,б,в) ва кўп қаватли уйларни ички маконларини чўлнинг чанг шамолларидан сақловчи экран сифатида жойлаштириш лойиҳаси (г).

7. Гидрологик шароитлари қанақа?
8. Ўзбекистон ер ости сувлари қаерларда тарқалган?
9. Минерал хом ашё ресурслари қандай?
10. Табиий-иқлимий туманлаштиришнинг қандай турлари бор?

1.2. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КУЧЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА РЕГИОНАЛ АҲОЛИ ЖОЙЛАШУВИ.

Ўзбекистон мутлак, ўзига хос демографик ҳолатга эга бўлган республика ҳисоблангани ҳолда, аҳоли жойлаштиришни шакллантиришнинг жуда муҳим регионал хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ичида аҳоли сони бўйича Россия ва Украинадан сўнг учинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусияти - аҳоли сонининг тез ўсишидир, бунга тарихий, ижтимоий - иқтисодий ва айниқса демографик омилларни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Аҳолининг ўртача йиллик ўсишининг суръатлари ҳалиям баланд бўлиб, 1999 йилда 1000 та одамга 17,3 кишини ташкил этди.

Республиканинг қулай табиий шароитларга таянган ҳолда пахта етиштиришига ихтисослашганлиги асосан замонавий қишлоқ ва шаҳар аҳоли жойлашувини шакллантиришни белгилайди.

Шунга қўра, эски суғориладиган пахтакорлик ҳудудларида аҳоли истиқомат жойларининг зич жойлашув ареаллари пайдо бўлган, янги қишлоқ, хўжалик ҳудудларида эса - ўзига хос аҳоли жойлашув турлари пайдо бўлди.

Чўл ва тоғ ҳудудларида аҳоли истиқомат жойларининг сийрак турига эга. Шундай бўлсада, йирик фойдали қазилма конларининг мавжудлиги бу ерларда шаҳар аҳоли жойлари пайдо бўлишига имкон беради - бу ерларда қазилма саноати марказлари (Маржонбулок, Муборак, Учқудук ва бошқалар) пайдо бўлди.

Саноатнинг бошқа соҳаларини ривожланиши ҳам шаҳар жойларининг ўсишига шароит яратади. Охирги 80 йил ичида Ўзбекистонда шаҳар аҳолиси сони 7-8 мартага ошди, шаҳарлар сони эса 14 тадан 121 тагача ўсди. Шу билан бирга республика саноати ҳудуд бўйича ғоят нотекис жойлашган. У асосан Тошкент вилояти, Фарғона водийси, Самарқанд ва Навоий вилоятларида тўпланган.

Шунга қарамадан шаҳарларнинг мана шундай авж олиб ривожланишига қарамай шаҳар манзилгоҳларини ташкил этиш учун захиралар имконияти ҳали анча юқори.

У иқтисодий ва маданий имкониятлари айрим қишлоқ, хўжалик корхоналари доирасидан чиққан анча кенг тарқалган қишлоқ аҳоли жойларидан иборат бўлиб, улар аҳолисининг кўп қисми қишлоқ хўжалик фаолияти билан шуғулланмайдн. Мана шундай қишлоқдардан 50 тага якин 5минг ва ундан

юқори аҳолига эгадир, уларнинг 30 тага яқини Фаргона водийсининг аҳоли зич жойлашган ҳудудларига тўғри келади. Бундай қишлоқлар аста-секин шаҳарларга айланиб боради.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда шаҳарларнинг кўпчилигини аҳолиси 50 минггача бўлган шаҳарлар ташкил этади. Кичик шаҳарларда республика шаҳар аҳолисининг чорак қисми истиқомат қилмоқда ва шу ерларда саноат корхоналарини жойлаштириш орқали уларни фаоллаштириш вазифасини ғоят долзарб қилиб қўймоқда. Кичик шаҳарларни фаоллаштиришга, шунингдек аҳолининг тарихий анъаналаридан келиб чиққан меҳнат малакаларини хунармандчилик ва уй меҳнатини ривожлантириш ҳам ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистонда аҳоли жойлашувининг ҳозирги аҳволи урбанизациянинг умумий даражасини кейинчалик ўсишини тезлаштириш асосида аҳоли жойлари тармоқларини янада мукаммаллаштириш жиддий муаммосини, республиканинг ишлаб чиқариш кучларини узоқ муддатга ривожлантириш ва жойлаштириш конспексияси билан ўзаро ўзвий алоқада бўлган аҳоли жойлаштириш тизимини яратишни ўртага қўймоқда (2-расм).

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кучли ривожланиши ҳудудда ишлаб чиқариш кучларини оқилона равишда жойлаштиришни талаб этмоқда. Унинг асосида ижтимоий меҳнатни тежашга интилиш ётади. Аҳоли жойлашувининг янги тизими шу масалан ҳар этилишига боғлиқ.

Бу янги шаҳарлар пайдо бўлиши ва кичик ва ўрта шаҳарлар ривожланиши жараёнини кучайтиради. Саноатнинг бир меъёردа жойлашуви йирик шаҳарлардаги кейинги аҳоли тўпланишидан ҳалос этади.

Саноатни оқилона жойлаштириш ва қишлоқ хўжалик хом ашёси қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаҳар ва қишлоқ орасидаги фарқнинг тугатилишига ёрдам беради.

Ҳалқ хўжалигини ривожланиш истиқболлари ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунийлиги ҳисобланган ишлаб чиқариш кучларини режага мувофиқ ва оқилона жойлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқ. Бунга иқтисодий қонунларга асосланган тамойилларни ҳаётга қайта татбиқ этиш билан эришилади.

Уларга қуйидагилар киради:

а) саноатни хом ашё ва энергия манбаъларига, шунингдек маҳсулот истеъмоли туманларига яқинлаштириш тамойиллари;

б) хўжалик оборотига энг бой ва ўзлаштириш ҳамда эксплуатация қилиш шароитлари бўйича қулай, қисқа вақтда энг кўп ҳалқ хўжалик эффектини берувчи табиий ресурсларни биринчи навбатда жалб этиш тамойили;

в) республиканинг ҳар бир туманини комплекс ривожлантириш ва тўғри ихтисослаштириш тамойили бунда туманни асосий ихтисослаши ва бу туманда ривожланишнинг энг қулай шароитларига эга бўлган соҳа бўйича белгиланади;

г) хом ашёдан комплекс фойдаланиш, ишлаб чиқаришни комбинациялаш ва корхоналарни гуруҳли жойлаштиришга асосланган халқ хўжалигини ҳудудий ташкил этишни яхшилаш, бу муҳандислик ускуналарининг барча турлари бўйича кооперациялаш имконини беради;

д) республиканинг ҳамма туманлари иқтисодий ривожланиш савиясини тобора текислаш таъминли;

Техника тараққиёти қимматбаҳо хом ашё ва енгил-энергетик захираларга эга бўлган, етиб олиш қийин бўлган ҳудудларни ўзлаштиришнинг янги имкониятларини очмоқда.

Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш ва аҳоли жойларини жойлаштириш - бу бир-бирига боғлиқ бўлган жараёнлардир. «Аҳолини жойлашуви» тушунчаси ишлаб чиқариш жойларига, транспорт линияларига, табиий муҳитга ва бир-бирига нисбатан у ёки бу халқ хўжалиги функцияларини бажарувчи турли катталиқдаги аҳоли жойлари тармоғини жойлашувини ҳамда аҳолининг улар ҳудудида жойлашувини билдиради. Шундай қилиб, аҳоли жойлашуви муаммоси республика барча аҳоли жойлари тармоғини ўзгартириш ва ривожлантиришдан тортиб, аҳолини алоҳида аҳоли пунктлари ичида жойлаштиришгача бўлган кенг масалалар доирасини қамраб олади.

Истиқомат жойларининг меҳнат жойлари билан ўзаро алоқаси характеридан келиб чиққан ҳолда аҳоли жойлашувининг учта тури мавжуд поселок, шаҳар ва аҳоли жойлариаро.


Аҳоли жойлаштиришининг поселок тури истиқомат жойининг битта асосий меҳнат жорий этилган жой билан энг оддий алоқаси орқали белгиланади (колхоз ёки давхўжаликнинг ишлаб чиқариш ҳудуди, шахта, завод, темир йул станцияси ва бошқалар). Бу ерда аҳоли жойлаштириш қулайликларини белгиловчи - уй-жойнинг асосий иш жойига яқинлик қонуниятлари амалда бўлади. Аҳоли жойлаштиришини поселок тури кичик аҳоли турар жойлари учун характерли ва қишлоқ хўжалик ҳудудлари учун хосдир.

Аҳоли жойлаштиришининг шаҳар тури меҳнат алоқаларининг мураккаб тизими билан белгиланади. Ҳар бир квартал, микрорайон ва тураржой ҳудуди бир нечта молчат жойлари билан боғланиб туради. Бундан ташқари, аҳоли жойлаштиришнинг шаҳар тури қуйидаги формулаларда берилган ўз қонуниятларига эгадир: турар жой - меҳнат жойлари - умумшаҳар миқёсидаги хизмат кўрсатиш жойлари. Бунда асосий қонуниятни кўрсатиш мумкин: меҳнаткашларни шаҳарнинг ҳар қандай қисмида жойлашуви эҳтимоли иш жойларининг сони ва ҳажмига тўғри пропорционал ва улардан узоқлашган сари камаяди. шаҳар маркази қатнов маркази сифатида алоҳида ўринни эгаллаб туради.

Аҳоли жойлаштиришининг аҳоли жойлариаро тури истиқомат жойларининг алоқасини нафақат шу берилган аҳоли пунктида, балки бошқа аҳоли

пунктларида ҳам меҳнат алоқаларини ўрнатишни белгилайди. Бундай тур йирик шаҳарлар ва уларнинг шаҳар олди ҳудудлари учун характерлидир. Хўжаликни комплекс равишда ривожлантириш ва маданият очишига мувофиқ шаҳар вазифаларининг мураккаблашуви ва уларнинг йириклашуви юз беряпти. Кейинчалик эса бу барча шаҳарларнинг кўп вазифалилигига ва кичик шаҳарлар нисбий сони камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шаҳарлар усиши уларнинг гигант шаҳарларга айланиши сабабларини тугатишни ҳисобга олган ҳолда тартибга солиниши лозим. Мавжуд йирик шаҳарларнинг янада ўсишини чегаралаш учун уларда янги саноат қурилишларини маън этишга ва бу қурилишларни кичик ва ўрта шаҳарларда жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш лозим.

Мавжуд шаҳарлар атрофларида янги саноат комплексларининг пайдо бўлиши аҳоли жойлашувининг гуруҳли шакллариин қўллаш заруриятини туғдиради, яъни мавжуд марказлар билан меҳнат ва маданий-маиший алоқалари орқали бирлаштирилган аҳоли пунктларининг ҳудудий гуруҳлари шакли. Шу йўсинда агломерация деб аталмиш шакллар вужудга келади. Марказлар қанчалик йирик бўлса, уларда йулдошлар шунчалар кўп бўлади ва аҳоли жойлаштириш шакли ҳам шунчалар мураккаб бўлади.



2-расм. Регионал аҳоли жойлашуви. а-мавжуд, б- келажак.



3-расм. Регионал аҳоли жойлашуви тўзилмаси.

Йирик агломерациялар катта ривожланишга эришдилар. Бироқ ишлаб чиқариш кучларининг бир маромда ривожланиши учун нафақат йирик шаҳарлар ўсиши, балки меъёрдан ташқари ўсиб кетган агломерациялар, шу жумлалан Тошкент (Тошкент, Чирчик, ва Янгийўл шаҳарлари) агломерацияси ўсиши чегараланиши лозим.

Шаҳаролди ва шаҳарлараро транспортнинг ривожланиши аҳоли жойлашуви ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш радиусларининг тўхтовсиз ўсишига олиб келади. Техника ва иқтисодиёт жараёни ҳудудларни қайта ташкил этиш имкониятларини кенгайтирмокда. Бу эса ҳозирги вақтда яроқсиз бўлган ҳудудларни ишга солишга ёрдам бермокда, бу аҳоли жойлашуви тизимини сезиларли даражада яхшилайдди.

Республика ва йирик иқтисодий туманлар ҳалқ, хўжалик комплекслари асосида регионал аҳоли жойлашуви тизимлари шаклланади. Бу тизимларнинг маркази булиб, пойтахт шаҳарлар, вилоятларнинг марказлари хизмат қилади. Регионал аҳоли жойлашуви тизими аҳолининг илмий ва манавий фаолиятига, махсус таълим, улкан ва юқори ихтисослашган хизмат кўрсатишни (савдо-маиший, медицина ва х/к.) олишга узоқ муддатли дам олиш ва туризмга бўлган эҳтиёжларини қондириши лозим.

Регионал аҳоли жойлашуви тизимларини шакллантириш регионал аҳоли

жойлашуви тузилмаларининг асосий мақсадидир. Бундан регионал аҳоли жойлашуви ва вазифалари келиб чиқади.

- регионал аҳоли жойлашуви тизими марказнинг, катта, ўрта ва кичик аҳоли жойлари тизимлари марказларнинг мақсадга мувофиқ катталигини, ҳамда бу тизимлар чегаралари ва ривожланиш даражасини аниқлаш;
- шаҳарлар, поселок ва қишлоқлар сони, катталиги, ҳудудий ривожланиш йўналишларини аниқлаш;
- регионни йириклашган функционал қисмларга бўлиш, бунда интенсив шаҳарсозлик ушатириш, қишлоқ хўжалик, қўриқланадиган ва регионал аҳамиятдаги рекреацион ландшафтлар қисмлари ажратилади.

Бу вазифаларни ечиш охирги ижтимоий-иқтисодий мақсадларга етишишга йўналтирилган бўлиб, амалий система тахлили усуллари ва процедураларидан фойдаланиб амалга оширилади. Юқоридаги ишлар ЎзшаҳарсозликЛИТИ институтини томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси регионал аҳоли жойлашуви тўзимаси»да бажарилган (3- расм).

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик шароитлари нималардан иборат?
2. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш тамойиллари нималар?
3. Аҳоли жойлашуви деганда нимани тушунасан?
4. Аҳоли жойлашуви турлари нималар?
5. Шаҳар нима?
6. Поселок нима?
7. Аҳоли жойлариаро тур нима?
8. Аҳоли жойлашувининг гуруҳи шакли нима?

1.3. ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ТУМАННИ

РЕЖАЛАШТИРИШ

Туманни режаштириш - иқтисодий ёки маъмурий туманни комплекс ҳудудий - хўжалик тузилишини лойиҳалаш ва унинг ҳалқ хўжалиги тармоқларини шаҳарлар ва қишлоқларни оптимал жойлашувини ҳамда аҳоли меҳнати ва дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни таъминловчи тархий таркибни шакллантиришдан иборатдир.

Туманни режаштиришнинг вазифалари лойиҳаланаётган туманнинг ҳудудий - хўжалик тузилишини рационал ҳал этиш, ишлаб чиқариш. шаҳарсозлик. атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. маданий ёдгорликларни сақлашни таъминловчи меъморий-тархий таркибни ва функционал қисмларга бўлишни шакллантириш; бунда табиий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларидан эффектив ва комплекс фойдаланиш назарда тутилади Туманни режаштириш

табiiй шароитларни, худудларни, ишлаб чиқаришни, аҳоли жойлашувини, ижтимоий ва инженер инфраструктурасини, атроф-муҳит муҳофазасини ўз ичига олади.

Туманни режалаштириш иккита босқич лойиҳавий ишларни ўз ичига олади: тузилма ва лойиҳани ишлаб чиқиш. Туманни режалаштириш тузилмаси вилоят, ўлка, автоном республикалар учун бажарилади. Туманни режалаштириш тузилмасини ишлаб чиқишнинг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- ҳўжалик ривожланишининг келажак режаси ва худуднинг функционал қисмларга бўлишга асосан саноат, қишлоқ хўжалиги, граждaн, транспорт ва рекреацион қурилишни рационал у боғлиқ жойлаштиришнинг йуналишини белгилаш;
- ҳўжалик ривожланишининг келажак режаси ва аҳолининг келажак сонига мувофиқ шаҳар ва қишлоқ жойлар тармоги, аҳоли жойлашуви тизими, аҳоли жойлариаро маданий-маиший хизмат кўрсатишни ва аҳолининг оммавий дам олишини ташкил этишни ривожлантириш келажagini аниқлаш;
- табiiй, худудий, иқтисодий ва меҳнат ресурсларини, улардан рационал ва комплекс фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;
- сув ва энергия таъминоти манбааларини, туманлараро транспорт ва инженерлик коммуникацияларининг келажак ривожланишини белгилаш;
- дам олиш даволаниш ва туризм йирик туманлари ва қисмларини жойлаштириш, ҳамда атроф-муҳитни кўриқлаш, табiiй ландшафтларни тиклаш, сақлаш ва яхшилаш бўйича тадбирлар комплексини аниқлаш;
- вилоят, республикани иқтисодий туманларга бўлишни туманни режалаштириш кейинги босқичи объектларини ажратиб асослаш, уларни режалаштириш лойиҳаларини тузиш бўйича ишлар навбатини белгилаш.

Туманни режалаштириш лойиҳалари вилоят, автоном республика қисмлари ёки маъмурий туманлар гуруҳи ва алоҳида маъмурий туманлар учун ишлаб чиқилади.

Туманни режалаштириш лойиҳасида қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилиши керак:



- худудни келажак функционал қисмларга бўлиш;
- туман ва алоҳида аҳоли жойлари аҳолисининг келажак сонини аниқлаш;
- мавжуд аҳоли жойларини кенгайтириш ва янгиларини жойлаштириш, саноат тугунлари ва алоҳида саноат қисмлари, омбор комплекслари ва қисмлари, қишлоқ хўжалиги ерлари массивлари, дам олиш, даволаш ва туризм қисмлари, шаҳарларнинг яшил шаҳаролди қисмларининг турли хил тархiiй вариантларини солиштириш асосида келажак ривожланишини аниқлаш;

- ишлаб чиқариш ва аҳолининг аниқланган келажак эҳтиёжларига кўра сув таъминоти, канализация, энергия таъминоти, туман аҳамиятидаги транспорт ва инженерлик коммуникацияларини жойлаштириш, бўйича конкрет таклифларни ишлаб чиқиш;
- туманда табиатни қўриқлаш ва санитар-гигиеник шароитларни яхшилаш, ҳаво ва сув хавзаларини тозалаш ва қўриқлаш, кўрикхона, буюртмахона, табиий парклар, сув қўриқлаш, санитар-ҳимоя ва бошқа қисмларини ажратиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ институти томонидан республика барча вилоятлари ва кўпчилик маъмурий туманлари учун туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳалари ишлаб чиқилган. (4-5 -расмлар)

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Туманни режалаштириш нима?
2. Туманни режалаштиришнинг вазифалари.
3. Туманни режалаштиришнинг боскичлари.
4. Туманни режалаштириш тузилмаси вазифалари.
5. Туманни режалаштириш лойиҳаси вазифалари.



6. Туманни режалаштириш тузилмаси ва лойиҳаси нималар киради?

4-расм. Туманни режалаштириш тузилмалари.


А-Автоном республика. Б-вилоят.

1.4.АТРОФ-МУҲИТНИ КЎРИҚЛАШНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК МАСАЛАЛАРИ.

Шаҳарсозликнинг табиатни қўриқлашдаги роли табиатнинг асосий компонентлари: сув, ҳаво, тупроқ-ўсимлик қатлами, ҳайвонот дунёсини сақлашга ёрдам берувчи шароитларни яратишдан иборат бўлиб. туман ҳудудини инженерлик тайёрлаш, мелиорация, жойни суғориш ва кўкаламзорлаштириш билан узвий боғлиқ. Атроф-муҳитни қўриқлаш туманни режалаштириш доирасида ишлаб чиқариш кучларини тегишли жойлаштириш, аҳоли жойлашуви, аҳолининг оммавий дам олишни ташкил этиш, табиатни қўриқлаш тадбирларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Жумладан, халқ ҳўжалик объектлари тизимини туман ҳудудида рационал маконий жойлаштиришда, ундан зффектив фойдаланишда тўғри функционал қисмларга ажратишда атроф-муҳитни қўриқлаш бўйича улкан имкоиятлар мавжудки, уларнинг амалга ошиши биринчи навбатда туманни режалаштириш билан боғлиқдир.

«Атроф-муҳитни қўриқлаш» бўлимига қуйидаги бўлимчалар киради:

- туманнинг умумий экологик тавсифи;
- атмосфера ҳавосини қўриқлаш;



- ер усти ва ер ости сувларини қўриқлаш,
- тупроқ-ўсимлик қатламини қўриқлаш ва бузилган ерларни тиклаш;
- санитар-эпидемиологик шароитни яратиш;
- атроф-муҳитни шовкин, электромагнит тебранишлар таъсиридан ва иссиқлик ифлосланишдан сақлаш.
- ўсимликларни қўриқлаш ва кукаламзорлар тизимини шакллантириш;
- ҳайвонот дунёсини қўриқлаш;

- кўрикланадиган ҳудудлар тизимини шакллантириш;
- Ғ ландшафтни сақлаш ва яхшилаш;
- инженер-экологик қисмларга бўлиш ва атроф-муҳитни кўриқлашнинг комплекс тузилмаси.

Бўлим маълум бир тартибда ишлаб чиқишади ва қуйидаги аналитик, прогноз ва лойиҳавий босқичларни ўз ичига олади:

- атроф-муҳит компонентлари ҳозирги ҳолати тавсифи;
- туманнинг умумий атроф-муҳит ҳолатидаги камчиликларни ҳамда табиий ресурслардан фойдаланишдаги камчиликларни аниқлаш;
- атроф-муҳит ва унинг алоҳида компонентлари ҳолатини туманнинг келажакда белгиланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда прогнозлаш;
- туман ҳудудини инженер-экологик қисмларга бўлиш тузилмасини ишлаб чиқиш ва унинг у ёки бу қисмида пайдо бўладиган муаммоли ҳолатларни белгилаш;
- атроф-муҳитни кўриқлаш бўйича конкрет тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш муддатларини ва тахминий капитал ҳаражатларини ҳамда амалга оширувчи тармоқ ва идораларни аниқлаш;
- атроф-муҳитни кўриқлашнинг комплекс тузилмасини тузиш ва лойиҳавий ечимларни туманни режалаштиришнинг бошқа бўлимлари билан тугал мослаштириш.

Қурилаётган регионнинг ҳозирги атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш унинг табиий шарт-шароитлари, ресурсларини ҳўжалик ва аҳоли жойлашувини таҳлил қилишга асосланади ва ўз ичига инженер-экологик тавсифномаларни аниқлаш энг муҳим муҳит ташкил қилувчи компонентларни таҳлил қилиш, ҳамда туманнинг табиий ва антропоген тузувчилари орасидаги мавжуд камчилик ва диспропорцияларни аниқлашни олади.

Атроф-муҳитни тозалаш вазифаларига туманни режалаштириш тузилмаси лойиҳаси бўйича туман ҳўжалигини ривожлантириш масштабларидан келиб чикиб кутилаётган атроф-муҳитнинг келажак ҳолатини аниқлаш киради. Бу масштабларнинг «экологик» мезонлари бўлиб, атроф-муҳитни кўриқлашнинг тегишли стандартлари, санитар-гигиеник ва бошқа нормативлар хизмат килади.

Атроф-муҳитни кўриқлаш масалаларини ишлаб чиқишнинг лойиҳавий босқичи ўз ичига инженер-экологик қисмларга бўлиш, муаммоли ҳолат ва ареалларни аниқлаш, конкрет тадбирлар комплекс асослаш, атроф - муҳитни кўриқлаш комплекс тузилмасини тузиш ҳамда табиатни кўриқлаш тадбирларига кетадиган тахминий капитал ҳаражатларни аниқлашни олади.

Туманни режалаштириш тузилмалари ва лойиҳаларида атроф-муҳитни кўриқлашнинг алоҳида бўлимларини ишлаб чиқиш методикаси умуман бир хилда. Аммо у ёки бу масалаларни кўриб чиқиш ва уларни график тасвирлаш

анчагина фарқ қилади.

Туманни режалаштириш тузилмаларида борилган вилоят (ўлка, автоном республика) миқёсида табиатни қўриқлаш стратегияси бўйича таклифлар ва атроф-муҳитни қўриқлашнинг асосий йуналишлари берилади.

Туманни режалаштириш лойиҳаларида эса тегишли вилоят (ўлка, автоном республика) учун қабул қилинган табиатни қўриқлаш стратегияси атроф-муҳитни қўриқлаш тадбирлари тизимига конкретлаштирилади.

Атмосфера ҳавосини қўриқлаш аҳоли жойларида ҳаво ҳавзасининг ҳолатини белгилаш реал концентрацияларнинг йул қўйилган чегара доираси билан солиштириш орқали амалга оширилади.

Аҳоли жойлари ҳавосининг ифлосланиши тўртта боскич бўйича баҳоланади йўл қўйиладиган, кучсиз ўртача, кучли.

Салбий натижалар масштаби (ўрмонлар ҳалокати майдони, табиий ва маданий биоценозлар ҳосилдорлигининг пасайиши) геосистемаларнинг ҳаво ифлослантирувчиларига чидамлилигига боғлиқ булади. Геосистемаларнинг чидамлилиги биринчи навбатда ўсимликларнинг чидамлилиги билан аниқланади. Чунки ифлос ҳавонинг таъсирига биринчи навбатда улар жавоб беради Антропоген таъсирнинг тақсимланишини ва геосистемаларнинг ифлослантирувчиларга чидамлилигини солиштириш муаммоли ареаллар ва муаммоли ҳолатларни аниқлаш имконини беради.

Ҳаво ҳавзаси муаммоли ҳолатини ва унинг геосистеманинг бошқа компонентларига таъсирини аниқлаш ҳолатини яхшилашга қаратилган тадбирлар тизимини шакллантириш имконини беради.

Актив тадбирларга қуйидагилар киради:

- технологик - ёқилғини яхшилаш янги технологияларни қўллаш ёпиқ циклар, чиқиндисиз ва кам чиқиндили ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва х\к.

-санитар-гигиени газларни физик-химик тозалаш услублари. чиқинди ва суюқ аралашмаларни ажратиб олишнинг физик услублари.

Пассив тадбирларга баланл трубалар ва санитар-ҳимоя қисмларни ташкил этиш киради. Тархий тадбирлар муҳим роль уйиайди, уларга қуйидагилар киради:

- ифлослантирувчилар манбаларини ва аҳоли яшайдиган қисмларни ўзаро тўғри жойлаштириш. Бунда ҳудудий ифлосланиш потенциали бўйича қисмларга бўлиш ва табиий комплексларнинг ўзаро ифлосланишига чидамлилигини ҳисобга олинади.
- инженер-экологик қисмларга булиш асосида ҳудуддан фойдаланиш режимини ўрнатиш.

ЕР ОСТИ ВА ЕР УСТИ СУВЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШ. Ер усти сувларининг ифлосланишининг потенциал хавфини баҳолаш сув тармоклари сувининг

кўплиги, оқимнинг тезлиги, қияликнинг экспозицияси, сувнинг температураси ва бошқа тавсифномаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Ер усти сувларини қўриқлашнинг асосий тадбирлари қуйидагилардан иборат:

- саноат тугунлари ва алоҳида корхоналарда ёпик сув айланишини татбиқ этиш.
- саноат ва коммунал-маиший оқава сувларни дарёларнинг оқимини тартибга солиш орқали етарли даражада суюлтириш;
- оқава сувларни механик (коагуляция, нейтротлаш ва тинитиш), физик-химик (электростатик ва ион алмашув, сорбция ва x/k) ва биологик тозалаш.

Ер ости сувларини қўриқлаш бўйича асосий тадбирлар қуйидагилар:

- профилактик (ер ости сувларининг сифатини текшириш ва кузатиш, ер остидан сувоғичлар санитар жиҳатдан ишончли жойлаштириш ва x/k);
- локал (сув қатламни ифлослантириш ўчоғидан тўсиш);
- тикловчи (сув горизонтини ифлосланишини йўқ қилиш ва ер ости сувларининг табиий сифатини тиклаш).

Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш.

Ўсимликларни қўриқлашга қуйидаги тадбирлар қиради:

- флорадан рационал фойдаланиш ва браконерлик билан курашиш;
- кам учрайдиган ва йўқолиб кетаётган ўсимлик турларини йиғишни тақққлаш.
- буюртмахоналар ташкил этиш ботаника боғлари ва дендрарийларда коллекциялар ва резерватлар тузиш.

Ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш бўйича асосий муаммолар ҳўжалик фаолияти туфайли унда бўлган ўзгаришларни тахлил қилиш орқали аниқланади.

Табиий биоиенотларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ташкилий тархий ва биотехник турларга бўлинади.

Ташкилий тадбирлар ов қилиш балиқ тутиш ва бошқаларининг мухлати, усуллари, масштаб ов жойини белгиловчи маслаҳат, чеклов ва тақққлар комплексида иборатдир.

Тархий тадбирлар асосий биологик ресурслардан фойдаланиш бўйича худудни қисмларга бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва овчилик, мўйначилик балиқчилик ҳўжаликларини ҳамда қўриқхоналар ва буюртмахоналар ташкил этиш тақққларини ўз ичига олади.

Биотехник тадбирлар иккига бўлинади: 1- ўтлоқларни сақлаш ва майдонни кенгайтириш; 2 - ҳайвонларга тўғридан-тўғри ёрдам бериш ва уларнинг сифат


характеристикаларини яхшилаш.

Туманни режалаштириш тузилмаларида энг умумий тархий тадбирларга асосий диққатни жалб этиш лозим (худудни қисмларга бўлиш, қўриқхоналар ва буюртмахоналар ташкил этиш ва х\к.).

Туманни режалаштириш лойиҳаларида эса тархий тадбирлар билан бир қаторла биотехник тадбирлар ҳам ишлаб чикилади (6-расм).

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шаҳарсозликнинг табиатни қўриқлашдаги роли.
2. «Атроф-мухитни қўриқлаш» бўлими нималарни ўз ичига олади?
3. Атроф-мухитни прогнозлаш вазифаларига нималар киради?
4. Лойиҳавий боскич ўз ичига нималарни олади?
5. Туманни режалаштириш тузилмаларида табиатни қўриқлаш бўйича нималар берилади?
6. Туманни режалаштириш лойиҳаларида атроф-мухитни қўриқлашнинг қайси масалалари кўриб чикилади?
7. Актив тадбирларга нималар киради?
8. Пассив тадбирларга нималар киради?
9. Ер усти ва ер ости сувлари. ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қўриқлаш бўйича қандай тадбирлар мавжуд?



6-расм. Туманни режалаштиришда атроф-мухит муҳофазаси:

А-туманни режалаштириш тузилмаларида

Б-туманни режалаштириш лойиҳаларида

2-

БУЛИМ. РЕСПУБЛИКА АХОЛИ ЖОЙЛАРИНИ ТОМОНЛАРИ.

Янги шаҳарларни қуриш ва мавжудларини қайта тиклаш учун керак бўлган ҳудудларни меҳнат жойлари, аҳолининг яшаши ва дам олиш жойларини

рационал жойлаштириш. Худуднинг табиий ва бошқа шаҳарларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ва меъморий-тархий, санитар- гигиеник кўрсаткичлар. ёқилғи-энергетик ҳамда сув ресурслари билан таъминланганлиги бўйича вариантларни солиштириш асосида танлаш лозим.

Тузар жой граждан қурилиш жойлаштириш, янги қурилилаётган саноат корхоналари учун худуд танлашни транспорт линиялари ва инженерлик коммуникациялари билан таъминланганликни ҳисобга олиб амалга ошириш лозим.

Янги шаҳарлар қурилиши ва мавжудларини кенгайтириш, ва бошқа аҳоли пунктлари қурилиши учун қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ёки қишлоқ хўжалигига оид аммо ёмон сифатли ерлардан уларни ўзлаштиришда барча зарур мухандислик тадбирларини ўтказиш лозимлигини кўзда тутган ҳолда танлаш лозим. Биринчи навбатда ўзлаштирилган ерларга мазкур берилган шаҳар ёки аҳоли пункти учун белгиланган чегарада жойлашган. бинолар бўш қолган ерлар киради.

Суғориладиган ва қурилган ерларда. шудгорлар, кўп йиллик боғ ва узумзорлар эгаллаган ер майлонлари, шунингдек сув сакловчи ҳимоя ва бошқа ўрмонлар эгаллаган ерларда янги шаҳарлар қуриш ва мавжудларини таъмирлаш, саноат корхоналари. бино ва коммуникациялар жойлаштиришга фақатгина фавкулотда ҳолларда ва кўрсатилган ерларла ер қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан қурилиш амалга оширилишига йул қўйилади.

Шаҳарларни бошқа аҳоли пунктлари қурилиши учун худудлар ва саноат корхоналари майдонлари бино ва иншоотлар ҳажмларини қурилиш зичлигининг меъёрларига риоя қилинган ҳолда қабул қилиниши керак.

Қурилиш учун майдон танлаш ерлардан янада оқилона фойдаланиш, ер майдонларидан фойдаланиш туфайли келиб чиққан ва қишлоқ хўжалик ер мулкларини олиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ, хўжалик ишлаб чиқарилиши ер кўрсаткичлари зарарларини қоплашни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган қурилиш жойлаштирилиши имкониятлари вариантларини таққослаш асосида техник иктисодий ҳисоблар билан тасдиқланган бўлиши лозим. Янги шаҳарлар қурилиши ёки мавжудлари таъмирланиши учун танланган худудлар барча ердаги қурилиш объектлари жойлаша оладиган захираларга, шунингдек сув қувурлари. каналлар ва суғориш ускуналари ўрнатилиши учун қулай шароитларга эга бўлиши лозим.

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда қурилиш ишлари тоғ назорати органлари розилиги асосида амалга оширилади.

Қуйидаги жойларда бино, иншоот ва коммуникациялар жойлаштириш ман этилади:

- туркум кўмир шахталари ва бойитиш фабрикалари қолган хавфли қисмларда;
- ўпирилиш, сел оқимлари ва қор қучиш қисмларида;
- курорт жойларнинг санитарлик ҳимоя қилиш қисмларида;
- сув таъминоти манбаъларини санитарлик ҳимоя қилиш қисмларида;

- аҳолининг дам олиш жойлари хисобланган ва ҳимоя ва санитар- гигиеник вазифалар учун мўлжалланган шаҳарнинг яшил қисмлари эгаллаган ерларда;
- органик ва радиоактив чиқитлар билан ифлосланган ерларда;
- кўриқхона ерларида (тарихий-маданийдан ташқари) ва кўрикланувчи зоналарда белгиланган чегараларда табиат кўриқхоналарига зарар келтирувчи бино, иншоот ва коммуникациялар жойлаштириш ман этилади.

7-расмда тархий чекланишлар чизмаси келтирилган, у турар жой ҳудудлари учун жой танлашга асос бўлиб хизмат қилади.


Тарихий-маданий кўриқхоналар ва уларни муҳофаза этиш зоналарида бино, иншоот ва коммуникациялар жойлаштиришни мазкур тарихий - маданий кўриқхонанинг махсус қондасига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Тарихий ва маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш қисмларида республиканинг ёдгорликларини муҳофаза этиш тегишли органларнинг рухсатсиз бино, иншоот ва коммуникациялар жойлаштириш ман этилади.


Тарихий ва маданият кўчмас ёдгорликларини бузиш, кўчириш, ўзгартириш ман этилади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Янги шаҳар қурилиши ва мавжудларини қайта тиклаш учун ҳудуд нима асосида танланади?
2. Қандай ерлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси - қарорига биноан ажратилади?
3. Қайси жойларда бино, иншоот ва коммуникациялар жойлаштириш ман этилади?
4. Тарихий-маданий кўриқхоналарда бино ва иншоотлар жойлаштириш қандай амалга оширилади?



7-расм Тархнй чекланищлар чизмаси



8-расм Вилоят микёсида, аҳоли жойлашуви тизими.

2.2. ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРНИНГ КЕЛАЖАК РИВОЖЛАНИШИ ВА АҲОЛИСИНИНГ ХИСОБЛАНГАН СОНИНИ АНИҚЛАШ.

Шаҳарлар ва шаҳар туридаги поселокларнинг ривожланиш истикболлари ҳалқ, хўжалигининг ҳам шаҳарлар яратиш ҳам шаҳарларга хизмат кўрсатиш сабабларини ривожлантириш истикболларига мувофик белгиланиши лозим.

Шаҳарлар яратувчи гуруҳига қуйидагилар киради:

- а) барча саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва омборлар, факатгина берилган аҳоли пунктида яшовчиларга хизмат кўрсатувчилари буларга кирмайди;
- б) факатгина берилган аҳоли пунктида яшовчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт турларидан ташқари темир йул, ҳаво, дарё, денгиз, автомобиль ва қувурдан ўтувчи транспорт корхона ва муассасалари;
- в) ноҳия, микрорайон, вилоят, республика ва мамлакат миқёсидаги маъмурий, сиёсий жамоат ва хўжалик ташкилотлари;
- е) курорт муассасалари (санаториялар, боғчалар, пансионатлар), шунингдек ноҳиялараро, вилоят ва республика миқёсидаги касалхона ва бошқа даволаш муассасалари.
- г) илмий-тадқиқот ташкилотлари, олий ва махсус ўқув муассасалари;
- д) қурилиш монтаж ва лойиҳа ташкилотлари;
- е) курорт муассасалари (санаториялар, боғчалар, пансионатлар), шунингдек ноҳиялараро, вилоят ва республика миқёсидаги касалхона ва бошқа даволаш муассасалари.

Ҳалқ хўжалигининг шаҳарларга хизмат кўрсатиш соҳаларига қуйидагилар киради:

- а) хизмат кўрсатиш миқёсидаги саноат корхоналари (сут заводлари, гўшт комбинатлари, нон заводлари, оёқ кийим, кийим-кечак, маиший электр асбобларини таъмирлаш корхоналари, радио - телекорхоналар ва бошқалар);
- б) факатгина берилган аҳоли пунктларига хизмат кўрсатувчи омборлар;
- в) соғлиқни сақлаш (касалхона, поликлиника, стационар, тиббий тез ёрдам станциялари); ҳалқ таълими (мактаб, кутубхона, болалар боғчалари), маданият (театр, кинотеатр, клублар ва бошқалар), коммунал хўжалиги муассасалари, маъмурий-сиёсий ва хўжалик ташкилотлари, аҳоли жойларининг хизмат кўрсатиш бўлимлари;
- г) бино ва иншоотлар қурилиш ва капитал таъмирланиши бўйича қурилиш ва монтаж ташкилотлари;
- д) барча турдаги шаҳар транспорти муассасалари (метрополитен, трамвай, троллейбус, автобус ва бошқалар);
- е) шаҳар муҳандислик тармоқларидан фойдаланиш бўйича муассаса ва ташкилотлар (водопровод, канализация, газ, телефон, радиотармоқ ва бошқалар).

Халқ хужалигининг шаҳарлар яратиш соҳасида ривожланиш истикболлари шаҳар ва қишлоқларни режалаш лойиҳаларида вазирликлар, идоралар, илмий-тадқиқот ташкилотларининг дастурлари. тегишли ишлаб чиқувларига мувофиқ белгиланади. Бунда аҳоли пункти жойлашган манзилнинг хусусиятлари, табиий шароитлари, унинг ривожланиш истикболлари учун қулай шароитлар мавжудлиги, транспорт шароитлари, сув билан таъминлаш шароитлари, зарарли оқаваларни чиқариб юбориш ҳисобга олиниши лозим.

Саноат корхоналарининг шаҳарлар яратиш ва шаҳарларга хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожланиш истикболларини аниқлашда уларнинг асосий параметрлари, маҳсулот характери ва ҳажми, меҳнаткашлар сони, санитар зарарлилик даражаси ва бошқалар белгиланади; омборлар бўйича территорияларнинг зарурий ҳажмлари ва меҳнаткашлар сони; ташки транспорт бўйича истикболли ишлар ҳажми. меҳнаткашлар сони ва транспорт иншоотлари учун ҳудудлар ҳажми; маъмурий-сиёсий, ҳўжалик муассасалари ва лойиҳа ташкилотлари бўйича меҳнаткашлар сони, муассасаларни жойлаштириш учун зарур бўлган ҳудуд ҳажми белгиланади.

Аҳолининг жамоат ишлаб чиқаришда иштирок - этишим ва меҳнат фаолиятининг характерига биноан бутун

Шаҳар яратувчилар - халқ ҳўжалигининг шаҳар яратувчи соҳаларида банд бўлган меҳнаткашлар.

Хизмат кўрсатувчи - халқ ҳўжалигининг хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган меҳнаткашлар.

Ноташаббускор - мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар, пенсионерлар, ногиронлар ва уй юмуши билан машғул бўлганлар.

Аҳолининг ҳисобланган сони аҳолининг шаҳар яратувчи гуруҳининг хизмат кўрсатиш сони ва аҳолининг умумий сонидан унинг солиштирма оғирлигига мувофиқ аниқланади.

Аҳолининг шаҳар яратувчи гуруҳининг мутлақ сонини аниқлашда ҳисоб учун 50% ҳажмда қабул қилинган олий ва ўрта ўқув муассасалари талабаларидан ташқари халқ хужалигининг шаҳар яратувчи соҳараридаги ҳамма меҳнаткашлар: бутунлай киритилади. Курорт зоналарида дам олаётганлар шаҳар яратувчилар гуруҳига киритилмайди, факат берилган аҳоли пунктининг умумий аҳоли сонига қўшилади.

Аҳолининг шаҳар яратувчи гуруҳининг солиштирма оғирлиги аҳоли жойларининг халқ ҳўжалик ихтисоси, аҳолининг ёш тизими ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва маҳаллий шароитлардин келиб чиққан ҳолда қабул қилинади.

Янги аҳоли пунктлари учун бу солиштирма оғирликни келажак учун 25-35 %. биринчи навбатга - 33-38 %. аҳоли пунктларини таъмирлашга 23-35% қабул қилиш тавсия қилади. Аҳоли пунктининг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аҳоли пункти канчалик кичик шаҳар яратувчи гуруҳининг солиштирма оғирлиги шунчалик кичик бўлади.

Аҳолининг хизмат кўрсатиш. гуруҳининг солиштирма оғирлигини йирик ва катта шаҳарлар учун келажакка - 23-26/в, биринчи навбатда - 19-20 %, ўрта ва кичик - шаҳарлар, шунингдек поселоклар учун келажакка - 19-22 %, биринчи навбатда - 15-17 % қабул қилиш тавсия этилади.

Шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси сонидан келиб чиққан ҳолда аҳолининг

истикболли ёш тизими мувофиқ жадвал бўйича белгиланади.

Ноташаббускор гуруҳ таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар;
- б) пенсия ёшидаги меҳнат қилмайдиган фуқаролар;
- в) меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнат қилмайдиган ногиронлар;
- г) уй ва шахсий томорқа хўжалигида меҳнат билан банд бўлган фуқаролар, тахминан 5-7 % қийматда биринчи навбатга ва 3-5 % келажакка. қўпол ҳисобда - 50 %.

Шаҳар ва қишлоқ аҳолининг умумий сонини қуйидаги формула бўйича аниқдаш лозим:

$$H = \frac{100 \times A}{100 - (B + V)}$$

қерда:

H - аҳолининг лойиҳавий сони;

A - шаҳар яратуици кадрларнинг мутлоқ сони;

B - хизмат кўрсатувчи кадрлар фоизи.

V - ташаббускор аҳоли фоизи.

Мисол:

A - Шаҳар яратувчи гуруҳнинг мутлоқ сони A = 10 минг киши.

B - хизмат курсатувчи кадрлар фоизи. B = 25 %

V - ноташаббускор аҳоли фоизи V = 50 %

$$H = \frac{100 \times 10\,000}{100 - (25 + 50)} = \frac{1\,000\,000}{25} = 40\,000 \text{ киши.}$$

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1. Шаҳар яратувчи соҳага нималар киради?
2. Хизмат кўрсатиш соҳаларига нималар киради?
3. Аҳоли қандай гуруҳларга бўлинади?
4. Шаҳар яратувчилар гуруҳига кимлар киради?
5. Хизмат кўрсатиш гуруҳига кимлар киради?
6. Ноташаббускор гуруҳга кимлар киради?

2.3. АҲОЛИ ЖОЙЛАРИНИ ТУРКУМЛАШ ВА ОПТИМАЛ ШАҲАР ҲАҚИДА ТУШУНЧА

Аҳоли жойлари шаҳар, шаҳар типидagi поселок ва қишлоқларга бўлинади.

Аҳоли жойларини шаҳарлар ва қишлоқлар сонига киритишла аҳоли сони, меҳнат характери, унинг маъмурий %ҳолати ҳисобга олинади.

Шаҳарларни туркумлаш бир катор тамойиллар бўйича оширилади. Асосийларидан бири - аҳоли сони.

Шаҳарларнинг катта-кичикдаги уларнинг маъмурий аҳамиятига боғлиқ бўлади пойтахт шаҳар, вилоят, ўлка, туманнинг маъмурий маркази, республика, вилоят микёсидаги шаҳар, туман микёсидаги шаҳар.

Шаҳар катталиги ва унинг маъмурий аҳамияти, шунингдек ҳудудий жойлашганлиги шаҳарнинг жойлаштириш тизимидаги ролига таъсир этади. Бу кўрсаткич бўйича шаҳарлар тизим марказлари ва турли аҳамиятга эга бўлган кичик марказларга (бош ва иккинчи даражали) бўлинади.

Шаҳарларни туркумлашнинг асосий белгиси унинг ҳалқ хўжалиги соҳаси ҳисобланади (кўпчиликни ташкил этувчи ҳалқ хўжалиги вазифалари)

Шаҳарлар қуйидагиларга бўлинади - саноат, транспорт, курорт, туризмнинг тарихий марказлари, маъмурий марказлар, кўп функцияли шаҳарлар (ихтисослари кўрсатилмаган ҳолда). одатда шаҳарнинг ўсиши билан унинг кўп функциялилиги ҳам ўсади.

Шаҳарларни шу тарзда тақсимланишига асос бўлиб, шаҳарсозликда тўпланган тажрибани қўллаган ҳолда аҳолининг ижтимоий шароити даражасини, техник ускуналар ва шаҳар транспорт тизимларининг мураккаблик даражаси; аҳоли турмушининг санитар-гигиеник шароитлари турли хизмат қилади.

Бу туркумлаш бўйича республикада:

Энг йирик - 2250 минг кишилик аҳоли билан Тошкент шаҳри;

Йирик - 300 минг кишилик аҳоли билан Самарканд шаҳри;

Катта - 12 тага яқин шаҳарлар;

Ўрта ва кичик шаҳарлар - 100 тага яқин.


Шундай қилиб, республика шаҳарларининг кўпчилик қисми (80 %) кичик ва ўрта шаҳарларга тегишли: Чирчик ва Янгийул шаҳарларида ташкил топган Тошкент аниқ ажралиб туради. Тошкент шаҳарлар агломерацияси эса 2,8 млн. кишига тенг келадиган аҳолига эга. (8-расм)

Шундай йусинда бошқа агломерациялар ҳам келиб чиқди. Масалан Фарғона - Марғилон - Коғайли мажмуи (350 минг кишига яқин), Нукус - Хўжайли - Тахиятош. Ангрен – Олмалиқ.

Табиийки, аҳоли учун энг яхши шароитлар ташкил этишга йул қўядиган, техник-иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ шаҳар аҳолиси сони ҳақида савол туғилади.

Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ томонидан ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, замонавий шароитларда ва яқин келажакда оптимал шаҳар аҳолиси сони жуда кенг чегараларда ўзгариб туради - 20 мингдан 400 минг





киритиладиган шаҳаролди қисми ташкил этилади: шаҳардан ташқарида дам олиш жойлари, ёрдамчи хўжаликлари, мозорлар, кўчатхоналар, ҳимоя қисми, бир қатор коммуникация иншоотлари ва бошқалар.

Касалхона, олий ўқув юртлари, ИТИлари, йирик спорт иншоотлари асосий қисмларда ҳам, шунингдек шаҳар ва шаҳаролди қисмлар чегараларида ҳам жойлашиши мумкин.

Шаҳар худудини айрим функционал қисмларига бўлишни амалга ошириш аҳоли жойлашувини мақсадга мувофиқ ҳал этиш учун зарур қулайликлар яратиш, санитар талабларига риоя қилиш ва худуддан тежамкорлик билан фойдаланишни таъминлайди. Зилзилабардош худудларда қисмларга бўлиш микросейсмик туманларга бўлиш ҳисобга олган ҳолда, уй-жой қурилиши учун жуда кам сейсмикали жойларни ажратиш билан амалга оширилиши лозим.

Аҳоли яшаш қисми.

Аҳоли яшаш қисмларида уй-жой бинолари, маданий - маиший хизмат муассасалари, жамоат фойдаланадиган кўкаламзорлар, ўқув, маъмурий, хўжалик ва даволаш муассасалари, спорт иншоотлари, кўчалар, хиёбонлар, гараж ва автомобиль турар жойлари жойлаштирилади; доирасида ўқув юртлари, ИТИ, шунингдек санитар-гигиеник зарарга эга бўлмаган саноат корхоналарини жойлаштиришга йул қўйилади (10-расм).

Катта ва йирик шаҳарлар шароитларида маъмурий, хўжалик, жамоат ва умумшаҳар аҳамиятига эга бўлган бошу муассасалар, меҳмонхоналар, йирик спорт иншоотларини умумий шаҳар маркази қисмида тўплаш лозим. Аҳоли яшайдиган аҳолини жойлаштириш учун табиий ва санитар жиҳатдан жуда қулай бўлган, жуда тежамкор қурилишни таъминловчи майдонларни танлаш лозим.

Бундан ажралиб кетган яшаш худудларини бирлаштириш ёки мавжуд

компакт яшаш қисмини ҳар томонлама ривожлантиришни давом эттириш лозим.

Яшаш худудининг жойлашуви саноат қисмлари ривожланишига тўсқинлик қилмайдиган эркин ривожланиш имкониятига эга бўлиши лозим: янги шаҳарлар да яшаш қисмларини санитар-гигиеник шароитли саноат корхоналарига нисбатан шамол эсмайдиган замонда жойлаштириш лозим.

Аҳоли яшаш қисми чегараларида турар жой туманлари, жамоат марказлари қисмлари, куказамзорлар тизими худудлари аниқ ажратилган бўлиши лозим. Иссиқ тинч шароитларида куказамзорлар муҳим аҳамиятга эга, чунки улар каналлар ва сув хавзалари бадан биргаликда микроиқлимий шароитларни сезиларли даражада яхшилаши мумкин

Саноат қисми.

Саноат қисмларида саноат корхоналари, шу корхоналарга хизмат кўрсатувчи омбор ва бошқа муассасалар, транспорт ва энергетик ускуналар, хизмат кўрсатувчи саноат қисмлари, автйулар ва майдонлар, маданий-маиший аҳамиятга эга объектлар, кўкаламзорлар ва санитар-ҳимоя қисмлари жойлаштирилади (11-расм).

Санитар - ҳимоя қисми интенсив кўкаламзорлаштирилган худудларни ўз ичига олади ва у аҳоли яшаш худудларини саноат корхоналарининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилади.

Санитар - ҳимоя қисмларининг кенглиги ва жойлашуви корхонанинг санитар зарарлилигига, асосий шамолларнинг йуналиши, кучи ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Санитар - ҳимоя қисмларида кўкаламзорлаштирилган майдонларнинг 50 % сакланган шароитларда ва уй-жойларгача зарур масофа мавжуд бўлганида ҳам зарар келтирадиган корхоналар, транспорт, коммунал ва омбор муассасалари, маданий-маиший, хизмат кўрсатиш объектлари жойлаштирилиши мумкин.

Санитар қисмларн аҳоли яшаш қисмлари билан яхши алоқаларга эга бўлиши, ташқи ва ички транспортга нисбатан қулай жойлашган бўлиши лозим.

Саноат қисмларини шакллантириш асоси бўлиб умумий ихтисосга эга бўлган ускуналар тизимини, транспорт ва омбор хўжалигини максимал кооперациялашган саноат корхоналарини жойлаштириш хизмат қилиши лозим.


Саноат корхоналари ер омбор хўжалиklarини кооперациялаш саноат худудларини 20-30 % қисқартиришга ва фойдаланиш ҳаражатларини камайтиришга ёрдам беради Саноат корхоналари доирасида маъмурий хўжалик муассасалари ва маданий - маиший хизмат объектларидан ташкил топган комплекс жамоат марказлари учун жой ажратилиши лозим. Бу марказлар туманнинг ҳамма корхоналари билан қулай алоқаларда бўлиши ва имкоиятга қараб турар жой худудларига ҳам хизмат кўрсатиши лозим.

Санитар зарарли чикитларга эга бўлмаган корхоналар гуруҳи мавжуд

бўлганида ўз ичига олиш, турар жой ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш жойларини олган комплекс ишлаб чиқариш - аҳоли яшаш ҳудудларини ташкил этиш мумкин.

КОММУНАЛ - ОМБОР ИСМИ.

КОММУНАЛ - ОМБОР қисми доирасида омборлар, трамвай, троллейбус ва автобус саройлари, юк ташиш транспорти гаражлари ва бошқа коммунал муассасалар жойлаштирилади.



Коммунал-омбор қисмлари тугатган ҳолда ёки айрим ҳолларда саноат ҳудудлари доирасида жойлаштирилиши мумкин.

Коммунал-омбор қисмларини имкони борида аҳоли яшаш жойларидан ташқарида жойлаштириш лозим (12-расм).

Портлаш хавфи бор омборлар, мойлаш ашёлари, зарарли моддалар, қурилиш молларининг, юк тушириш ва ортиш базалари омборлари аҳоли жойлари чегарасидан ташқарида жойлашган бўлиши лозим.

Шунингдек, рельс хўжалиги зарурлиги ҳисобга олиниши лозим.

Ташқи транспорт қисми - бу транспорт ускуналари ва иншоотлари жойлаштирилган 191см. (пассажир - юк станциялари, портлар, аэропорт ва бошқалар)

ШАҲАР ОЛДИ ҚИСМИ

Шаҳар ҳаёти унга туташиб турган ҳудудлар билан узлуксиз боғланган. Бу ерга шаҳарсозлик ва санитарлик жиҳатлари бўйича шаҳарнинг ўзида жойлашиши мумкин бўлмаган шаҳар коммунал ва транспорт иншоотлари, айрим саноат корхоналари жойлаштирилади. Бундан ташқари бу ерда шаҳар аҳолиси истеъмол кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади, шунингдек шаҳар аҳолисининг бир қисми жойлашади ва дам олиш, байрам кунлари оммавий дам олишлар ташкил этилади.

Шунинг учун 100 минг ва ундан ортиқ аҳоли сонига эга бўлган шаҳарнинг атрофидан ажралган ҳолда лойиҳалаш мумкин эмас ва шаҳарларнинг бош режаларини тузиб чиқиш жараёнида шаҳаролди режалаш лойиҳаларини ҳам ишлаб чиқиш зарур.

Шаҳаролди қисми вазифаси ва таркиби шаҳар аҳолиси ва хўжалиги эҳтиёжлари билан аниқланадиган шаҳарга туташувчи ҳудудга айтилади (13-расм).

Шаҳаролди қисм таркибига ўрмон, парклар, гидропарклар, боғлар ва узумзорлар, кўриқхоналар ва кўкаламзорларнинг бошқа турлари; дам олиш уйлари, пансионатлар, пляжлар, туристик, овчилик ва балиқчилик базалари, физкультура ва спорт базалари, ўқувчилар лагерлари, болалар дачалари ва бошқа муассаса ва иншоотлар; илмий-тадқиқот муассасалари, юқори ва ўрта махсус ўқув юртлари, далалари, кишлоқ хўжалиги корхоналари, транспорт иншоотлари ва ускуналари (темир йул линиялари, навларга ажратиш ва техник станциялар, дарё портлари, аэропортлар, аэродромлар, автомобиль йуллари, автостанциялар) электр ўтказишнинг юқори вольтли тармоқлари, подстанциялар, газ ўтказгичлар, водопровод иншоотлари (сув сақловчи иншоотлар ва қисмлари билан), канализация ва тозалаш иншоотлари (санитар-ҳимоя қисмлари билан), шаҳар корхоналари билан технологик алоқаларга эга бўлган корхоналар, шаҳар захираси омборлари, озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари, ёнилғи, портлашдан хавфли ва зарарли моддалар ва бошқа омборлар киради.

Шаҳар олди чегаралари шаҳарнинг катталиги ва унинг кейинги ривожланиш истиқболлари, табиий шароитлари, транспорт алоқалари ривожланиши, мавжуд бўлган ва кутилаётган шаҳардан ташқари жойлашув, кутилаётган оммавий дам олиш жойлари жойлашуви, транспортда ташишга қулай бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари билан шаҳарни таъминлаш учун кишлоқ хўжалиги ҳудудларига бўлган эҳтиёжга боғлиқ ҳолда белгиланади.

Ўрмонсиз ҳудудларда жойлашган шаҳарлар ва бошқа аҳоли жойлари учун яшил 191см ўрннга асосий йўналишлардаги шамоллар учун шамол эсадиган томондан қуйидаги кенгликларла кўкаламзор ҳимоя қисмларини ташкил этиш

ЛОЗИМ:

энг йирик ва йирик шаҳарлар учун - 500 м.

ўрта ва катта шаҳарлар учун - 100 м.


кичик шаҳарлар, қишлоқлар ва бошқа аҳоли пунктлари учун - 50 м.

Аҳоли яшаш қисми.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг аҳоли яшаш қисмлари худудларини режалаш уй-жой бинолари, хизмат кўрсатиш муассаса ва ташкилотларининг, жамоат марказлари, кўча тармоғи ва жамоат фойдаланадиган кўкаламзорлаштирилган жойларни аҳоли яшаши учун янада яхши шароитлар ҳамда шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг меъморий бойликларини янада кўзга ташланадиган тарзда акс эттириш мақсадида уларнинг оқилона жойлашишини таъминлаши лозим. (14-расм).

Шаҳар ва қишлоқларнинг аҳоли яшаш худудини тизим элементи деб, чегараси магистрал ва турар жой кўчаларининг қизил чизиқлари ҳисобланган кичик туманларни қабул қилиш лозим. Кичик туманлар чегарасида уй-жой биноларидан ташқари бирламчи хизмат кўрсатувчи муассаса ва идораларни жойлаштириш лозим. Магистрал ва турар жой кўчалари кичик турар худудини кесиб ўтмаслиги лозим (15-расм).

Кичик туманлар қурилишининг биринчи навбати учун аҳоли сонини қуйидагича қабул қилиш лозим: энг йирик ва йирик шаҳарларда



- 12 мингдан 20 минг кишигача: катта ва ўрта шаҳарлар - 6 мингдан 12 минг кишигача; кичик шаҳарлар ва посёлкаларда - 4 мингдан 6 минг кишигача. ҳар аҳоли яшаш ҳудудида туман аҳамиятидаги хизмат кўрсатиш муассасалари жойлашган жамоат маркази жойлаштирган кичик туманлардан бошқа турар жой туманларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Турар жой туманларини шакллантираётганда аҳоли яшайдиган қисмда лойихавий туманларнинг табиий ва сунъий канал, темир йул) ҳисобга олиш лозим. Маҳаллий шароитлардан келиб чикиб, лойихавий туманлар доирасида 2.5км уйдан ошиқ; турар жой туманлари жойлашнши мумкин, уларнинг чегаралари бўлиб юқорида санаб ўтилган табиий ва сунъий чегаралардан ташқари шаҳар аҳамиятидаги магистраллар ва кўчалар хизмат қилади.


йирик ва энг йирик шаҳарларда - 40 дан 80 минг кишигача; ўрта ва катта шаҳарлар да - 25 дан 50 минг кишигача қабул килиш лозим.

Ўзбекистон тарихий шаҳарларида уларнинг ривожланиш жараёнида ўзига хос функционал тархий таркиб шаклланган. Бу тартий таркибнинг асоси булиб «маҳалла» ўзига хос нисбатан мустақил худудий тузилма хизмат қилган. Бундан ташқари йирик шаҳарларнинг тархий таркиби яна анчагина худудий тузилмалар - «даха» ларни ўз ичига олган (16- расм).

Даха - мураккаб тузилма булиб, бир томондан шаҳар умумий композициясига бўйсунган унинг ажралмас қисми булиб, худудида умумшаҳар аҳамиятидаги жамоат марказлари жойлашган. Бошқа томондан эса ҳар бир дахада ўзининг жамоат лийний марказлари бўлиб, ўзига хос шаҳарсозлик хусусиятларига эга эди. Даҳаларни шаҳарга яхлит композицион таркиб сифатида бирлашиши - барча даҳалар шаҳар ядросининг у ёки бу қисмини ўз ичига олган бўлиб, ҳамда даха таркибида умумшаҳар аҳамиятидаги шаҳарсозлик тугунлари ҳам кирган (Масалан, Тошкентда: Бешёғоч даҳасида мева-сабзавот бозори, Себзор даҳасида ҳаёт Имом комплекси ва бошқалар).

Маҳалла - шаҳар тархий таркибининг элементар худудий бирлиги булиб, унинг аҳолиси бирга ҳаёт кечириш умумий қоидалари ва ўзаро ёрдам анъаналари асосида бирлашганлар. Шаҳарсозлик нуқтаи назаридан маҳалланинг асосини катта кўча ёки бир нечта кўчалар атрофида жойлашган жамоат бинолари ва турар жойлар ташкил этган. Ҳар бир маҳалланинг ўз маҳалла жамоат маркази бўлган. У масжид, чойхона, дўконлар, нонвойхоналар ва бошқа бирламчи хизмат кўрсатиш муассасаларидан иборат бўлган. Бир нечта маҳалла бирлашган жойда эса умумий жамоат маркази - гузарлар пайдо бўлган. Гузарлар асосий кўчалар ва чорраҳаларда жойлашган. Гузарнинг таркибига жума масжиди, чойхона, устахоналар, нонвойхона. бакқолик- дўконлари, бозор кирган.

Ҳозирги пайтга келиб, кичик туман тамойилларининг Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг анъанавий расм-русумлари. маиший ҳаёти эҳтиёжлари, урф-одатларини ҳисобга олмаганлиги уларнинг ҳаётий эмаслигини, бу тамойилларни республика шаҳарсозлиги анъаналарилан келиб чикиб ўзгартириш, қайта қуриш лозимлигини кўрсатмокда, Бу зарурият Ўзбекистоннинг янги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шароитлари билан ҳам белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг XIV сессиясидаги маърузасида юртбошимиз И.А.Каримов ўзининг буйруғи маҳаллий органлари, жумладан маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ролини ошириш масалаларига алоҳида эътиборини қаратди. Шу сессияда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариши ҳақида»ги қарори маҳаллаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаб, уларнинг олдида турган вазифаларни кенгайтирди, эффектив ишлаши учун шароитлар яратди.



ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Шаҳар худуди қандай функционал қисмларга бўлинади?
2. Аҳоли яшаш қисмига нималар киради?
3. Саноат қисми доирасида нималар жойлашади?
4. Санитар - ҳимоя қисми нима?
5. Комплекс жамоат марказлари нима?
6. Коммунал омбор қисмида қандай объектлар жойлашади?
7. Ташқи транспорт қисмида нималар жойлашади?
8. Шаҳаролди қисмига нималар киради?

9. Унинг чегаралари қандай белгиланади?
10. Кичик туманлар деганда нимани тушунаси?
11. Турар жой туманларига нималар киради?
12. Лойиҳавий туман нима?
13. Даха деганда нимани тушунаси?
14. Маҳалла нима?
15. Гузар «нима»?

2.5. ШАҲАРЛАРНИНГ ЖАМОАТ ТИЗИМИДА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Илмий-техник ва маданий-иқтисодий тараққиёт инсоннинг турли хил эҳтнёлари муттасил ривожланиши орқали аниқланади.

Маданий-маиший аҳамиятга эга бўлган бинолар тизими ўз моҳияти билан инсонга ўз вақтида оқилона фойдаланишга, нисбатдоғини ҳар томонлама ривожлантиришга имкон берадиган моддий муҳитни белгилайди. Шунинг учун аҳолига хизмат кўрсатишни турли ташкил этиш ва маданий - маиший хизмат кўрсатиш тармоқларини тўғри жойлаштириш замонавий шаҳарсозликнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Хизмат кўрсатиш муассасалари ўз ихтисоси ва шаҳар ҳаётидаги аҳамияти бўйича гуруҳларга бўлинади.

Ихтисоси бўйича шаҳар муассасалари тармоғи қуйидагиларга бўлинади:

Жамоат ва маъмурий - ҳўжалик муассасалари (вилоят. шаҳар, туман ҳалк депутатлари кенгашлари, хокимиятлар, жамоат ташкилотлари, суд органлари, банклар, жамғарма кассалари, почта, телеграф, радио);

Манавий-маърифий муассасалар (театр, клуб, кинотеатрлар, концерт заллари, кутубхоналар, музейлар);

Ўқув муассасалари (умумтаълим ва маҳсус мактаблар, билим юртлари, коллеж ва олий ўқув юртлари);

Болалар муассасалари (болалар боғчаси, яслилар);

Согликни сақлаш муассасалари (касалхона. шифохоналар, туғруқхоналар, тез ёрдам ва санитар-эпидемиологик станциялари);

Физкультура ва спорт муассасалари ва иншоотлари (стадионлар, спорт майдонлари, спорт заллари; сузиш бассейнлари, сув станциялари ва бошқалар);

Жамоат овқатланиш ва савдо муассаса ва ташкилотлари (озик - овқат ва саноат маҳсулотлари дўконлари, бозор, ошхона, ресторанлар ва бошқалар);

Коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари (маиший устахоналар, сартарошхоналар, кир ювиш хоналари, ҳаммомлар);

ШАҲАР ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ БЎЙИЧА МУАССАСАЛАР ҚУЙИДАГИЛАРГА БЎЛИНАДИ:

Умумишаҳар (Шаҳар Ҳалк Депутатлари Кенгаши, шаҳар хокимияти, театр,

музей, марказий кутубхоналар, марказий универмаглар, йирик махсуслаштирилган дўконлар ва бошқалар);

Туман (маъмурий ва жамоат ташкилотлари, дўконлар, ошхоналар, кинотеатрлар, туман кутубхоналари, шифохоналар ва бошқалар).

Кичик туман фақат катта булмаган уй-жой комплексларига хизмат кўрсатувчи муассасалар (мактаб, болалар боғча-ясилари, озик-овқат_дўконлари ва бошқалар)

Улар бутун худуди бўйича бир текисда, оқилона жойлаштирилган бўлиши лозим. Бунинг учун маданий-маиший муассасаларни жойлаштиришнинг аниқ тизимини ташкил этиш ва бу жойлаштириш билан шаҳарнинг режалаш тизими узвий боғлиқ бўлиши зарур. Фақат ҳар бир хизмат кўрсатиш объекти тизимини шаҳар характери ва аҳолиси сонига боғлиқ равишда жойлаштириш, манзили ва аҳамиятини аниқлаш зарур.

Хизмат кўрсатиш тизимлари шаҳарнинг аҳоли яшаш ва саноат қисмлари, шунингдек унинг шаҳаролди қисмини бир меъёردа қамраб олиши лозим.

Замонавий аҳоли жойларининг лойиҳалаш амалиётида янада кўпроқ аҳолининг қулайликлар билан таъминловчи ва муассасаларнинг эксплуатацияси учун қулай шароитлар яратадиган хизмат кўрсатиш тизими ўзини кўрсатди. Бу тизимга асосан шаҳарда жойлашувига боғлиқ; ҳолда маданий-маиший муассасалар шартли равишда босқичларга бўлинади (17- расм).

Хизмат кўрсатишни босқичли тизимининг маъноси шундаки, муассасаларнинг узлуксиз қаторини ташкил этиш, улар аҳолининг маълум (қисмига хизмат килиб туриб, шунга мувофиқ, равишда шаҳар худудининг таркибий бўлинишини мустаҳкамлайди.

Комплекс жамоат хизмат кўрсатишида кундалик, периодик ва эпизодик хизмат кўрсатиш турларини кўрсатиш мумкин.

Қандай хизмат кўрсатиши тури бирламчи савдо, маиший, маданий ва бошқа хизмат турларини ўз ичига олади ва кичик туманларда ташкил этилади.

Пегуотик хизмат кўрсатиши хафталик, ойлик характерга эга ва турар жой туманларида ташкил. этилади.

Этподик хизмат кўрсатиши аҳолининг махсус эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ ва шакллантирилади.

Шаҳарнинг жамоат марказлари тизимини умум шаҳар маркази, турар жой туманлари ва кичик туманлари марказлари ташкил этади.

Марказни функционал қисмларга бўлиш (ихтисослаш) амалга оширилади {«авто, спорт, ўқув, маъмурий ва х,к). умумшаҳар маркази таркибида оммавий байрамлар, халқ сайиллари ўтказиш учун майдонлар ҳам кўзда тутилиши лозим.

Шунингдек ихтисослашган марказлар ҳам шакллантирилади: шаҳарнинг бош тархи таркибида ажралиб турувчи тиббий, илмий. ўқув, кургазма, спорт,

саноат худудларининг жамоат марказлари, транспорт тугунлари.

Юқорида кўрсатилган жамоат марказлари Ўзбекистоннинг ижтимоий-маданий, аҳолининг миллий урф-одатлари ва бошқа омилларни тўлиқ ҳисобга олмайди. Шу туфайли «Янги ижтимоий иктисодий шароитларда Ўзбекистон шаҳарсозлиги ривожланиши концепцияси» муаллифлари томонидан бу жамоат марказлари иерархияси гузарлар ва маҳалла маорифи каби марказлар билан тўлдирилган.

Гузарлар бир нечта маҳарла туташган жойда радиал ва кундаланг кучалар чорраҳарарида жойлашган булиб, уларнинг хизмат кўрсатиш радиуслари 500-750 м ни ташкил этган.

Гузарлар таркибига қуйидагилар киради:

- Жума масжиди;
- клуб-чайхона ва ошхона;
- озиқ-овқат ва саноат моллари дўкони;
- кутубхона ва ўқув зали;
- спорт зали;
- газета ва журналлар учун киоск;
- алоқа бўлими;
- буюртмалар қабул қилиш пункти ва маиший хизматлар;
- сартарошхона;
- этикдўзлик устахонаси;
- кийим-кечак ательеси;
- ҳаммом;
- аптека;
- турар жой коммунал хизмат идораси.



Гузар таркибига ўрта таълим мактаби ва поликлиника филиали ҳам кириши мумкин.

Маҳалла марказлари таркибига эса қуйидагилар киради:

- маҳалла кумитаси;
- маҳалла масжиди;
- чайхона;

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Хизмат кўрсатиш муассасалари ихтисоси бўйича нималарга бўлинади?



9-расм Шаҳарнинг функционал қисмлари

10-расм Аҳоли яшайдиган қисмлар тарҳий таркиби: а-30 минг кишилик шаҳарники;

2. Шаҳар ҳаётидаги аҳамияти бўйича муассасалар қандай бўлинади?
3. Хизмат кўрсатишнинг босқичли тизими нима?
4. Кундалик, периодик, эпизодик хизмат кўрсатиш турларини тавсифланг.
5. Ихтисослашган марказларга нималар киради?
6. Гузарлар таркибига нималар киради?
7. Маҳалла марказларининг таркиби қандай?

2.6. МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК САНЪАТИ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ШАҲАРСОЗЛИК ҚУРИЛИШ МУАММОЛАРИ

Ҳар бир аҳоли жойи маҳарлий давлат ҳокимияти органлари томонидан атроф-муҳитни экологик мувозанати комплекс дастури билан таъминланади, у шаҳарсозлик фаолияти ва хавфли табиий жараёнлар ва ифлосдаишни ўз ичига олган табиий омиллар орасидаги ўзаро таъсирни тартибга солади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳарлий органлари аҳоли жойларининг бош режалари асосида санитар-гигиеник жihatдан зарарли корхоналарни кучириш бўйича; ерга эгаллик қилиш ва ердан фойдаанишни таркибий ўзгартириш бўйича; ёқилғи-энергетика баланси бўйича; хавфли табиий жараёнлар таъсири остида қурилган аҳоли пунктлари ва ҳудудларни Ҳимоя қилиш бўйича шаҳарсозлик-экологик тадбирларни ишлаб чиқади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласини ҳисобга олган ҳолда ҳарқ; ҳужалиғи комплексини ривожлантириш

Тарихий таркиб топган аҳоли жойлари бўйича қўриқлаш меъморчилик ёдгорликлари ландшафт санъати, археология, анъанавий яшаш муҳитида меъморий-этнографик ва режалари таркибида ишлаб чиқилган қисмларини улардан фойдаанишнинг махсус таркибига комплекс тиклаш ва таъмирлаш йули билан амалга оширилади.

III-булим. Шаҳарсозлик иқтисодиёти ва ташкилий-ҳуқуқий масалалар

3.1. ШАҲАРСОЗЛИК ИҚТИСОДИЁТИ

Шаҳарсозлик иқтисодиётининг асосий вазифаси бўлиб ижтимоий меҳнат ва моддий мабалайлардан ҳам ҳаражат қолган ҳолда аҳолига яхши турмуш шароитларини (яъни меҳнат, дам олиш ва маиший шароитлар) яратиб бериш ҳисобланади. Шунга биноан иқтисодиёт шаҳарсозлиқнинг таъминли масалаларини қамраб олади, унга эса мамлакатда ишлаб чиқариш қучларини жойлаштириш вазифалари (ва Шаҳар тармоқларини ривожлантириш), шунингдек аниқ аҳоли пункта қурилиши айрим элементларининг тежамқорлиғи масалалари қиради. Шаҳарсозлик иқтисодиёти илмий, ижтимоий муаммо ҳисобланади, унинг вазифалари жамият ривожланиши талаблари билан бевосита боғланган Шу билан бирга у сиёсат билан белгиланган бизнинг жамиятимиз ривожланишининг конкрет шаҳарсозлик имкониятлари билан, унинг ривожланиши ҳар бир босқичида ўзвий боғлиқликка эга.

Шаҳарсозлик иқтисодиётида бир қанча ички қонуниятлар бор - биринчи навбатда аҳоли турли катталиқдаги шаҳарларда қурилиш ва эксплуатация кўрсаткичлари шаҳар, шаҳарлар таркиби, режалаш ечимлари ва табиий шароитларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлар ва шаҳар аҳолиси турмуши ва бошқаларга таъсири. Уларни аниқлаш услуби турли шароитларда техник-иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш, уларни амалиётда текшириш,

шаҳарларни режалаш, улар қурилиши элементларининг мумкин бўлган лойиҳавий вариантларини таққослаш.

Қатор шаҳарлар техник-иқтисодий кўрсаткичлари тахлили қуйидагиларни кўрсатади:

1) Шаҳар қурилиши баҳосида асосий кийматни (80 %) уй-жой ва жамоат бинолари, шунингдек фойдаланиш харажатлари (78 %>) ташкил этади.

2) Фойдаланиш ва прилит харажатларининг нисбати кукаламзорлаштириш учун жуда баланд (75 %), бунда ҳар йили қурилишга ишлатилган маблағни тўла сарф қилишга тўғри келади.

3) Шаҳарнинг асосий иншоотлари хизмат қилиш муддатлари катта бўлгани учун келтирилган қурилиш харажатлари асосан фойдаланиш харажатларига яқин.

Шунингдек, шаҳар ўлчамларининг аҳоли ҳаётининг ижтимоий шароитларига ҳам таъсирини таъкидлаш мумкин. Кичик ва ўрта шаҳарлар энг қулай ҳисобланади, аммо улар меҳнаткашлар учун мумкин бўлган касбларни танлаш имкониятини таъминламайдилар.

Бундай ижтимоий имкониятлари 100-250 минг кишилик шаҳар руёбга келтиради. камчиликлари - турмуш шароитлари бўйича кўпроқ техник муаммолар ва иқтисодий ҳал этишларда қийинчиликлар мавжуд. Шунинг учун аҳолиси 300 - 400 мингдан ошмаган шаҳарларни лойиҳалаш ҳамда энг йирик ва йирик шаҳарлар ривожланишини чегаралаш тавсия этилади.

Шаҳарлар ўсишини чегаралашга фақат янги саноат мажмуалари ва шаҳар ташкилий аҳамиятли бошқа муассасалар (қурилишини таъкидлаш продли этишиш мумкин, қурилиш индустрияси ва шаҳар хўжалигига хизмат курсатувчи корхоналар бундан мустасно, шунингдек ишлаб чиқаришни автоматлаштириш базасида корхоналарни қайта қуриш тавсия этилади. Бир вақтнинг ўзида зарарли ишлаб ташқарига чиқариш лозим.

Шаҳар ўлчами билан оптимал қаватлиликни техник-иқтисодий танлови масаласи ҳам ўзвий боғлиқдир. Кичик туман ва тураржой тумани чегаралари 4-5 қаватли бинолар мақсадга мувофиқдир.

Бирок шаҳар ҳудудларини қисқартириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда йирик ва энг йирик шаҳарларда 9 қаватли бинолар қуриш мақсадга мувофиқ. Аммо бу ҳолда аралаш бинолар қўллашнинг ижтимоий ва психологик омилларини аҳолининг турли қатламлари эҳтиёжлари, унинг ёш бўйича демографик тизимини ҳисобга олиш зарур.

Иқтисодиёт вазифалари мавжуд шаҳар янги ерларини ўзлаштириш билан қайта тиклаш вариантларини таққослаш йули орқали шаҳарни ривожлантириш йуналишларини танлаш жараёнида келиб чиқади.

Вариантлар таққосланган бўлиши лозим. Улар фойдаланиш харажатлари ва харажатлар қоплашиш муддатини топиб, қуйидаги формула бўйича

таққосланади:

$t = AC \cdot A \cdot \Delta$ қаерда:

t - қопланиш муддати, A , C –қурилиш 4& харажатлари фарқи;

$A\Delta$ - таққосланувчи вариантлар фойдаланиш харажатларининг фарқ қопланиш муддати иложи борица 10 йилдан ошмаслиги лозим.

Бирок доимо иқтисодий ечимларнинг ижтимоий характерини, эгалланган халқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини эътиборга олиш зарур.

Шаҳар худудидан оқилона фойдаланиш шаҳарсозлик иқтисодиётига янада кўпроқ аҳамиятга эга бўлган таъсирини ўтказали, чунки бу ерда ерлардан оқилона фойдаланиш уларни. шаҳар хўжалиги қоидалари бўйича тўғри ва иқтисодий мақсадга мувофиқ; тақсимланишига асосланади.

Ер фондидан фойдаланишнинг иқтисодий асосланганлиги жамоат манфаатларидан келиб чиқиши ва ундан фойдаланишда ҳар бир майдонининг қиймати ва фойдалилиги билан белгиланган бўлиши лозим

Айниқса бу юқори хўжалик қийматига эга бўлган суғориладиган ерлар қисмида аҳоли жойларининг асосий қисми жойлашган Ўзбекистон шароитларида муҳимдир.

Худуд имконияти борица ихчам бўлиши лозим. Шаҳарнинг айрим функционал қисмларининг ҳар томонга бетартиб тарқатиб жойлаштирилганлиги кўча тармоғи, транспорт ва муҳандислик тармоқларини узунлаштиради. Бу эса шаҳарнинг қимматлашувига олиб келади.

Шаҳарни худудий ривожлантиришни ҳал этишда шаҳар туманларида қурилиш интенсивлигини ошириш ва муҳандислик тайёргарлик талаб қиладиган майдонларни ўзлаштириш йули билан кенгайтириш имкониятларини кўзда тутиш зарур.

Шаҳар худудида айрим функционал қисмларни ажратиш ва уларни қуриш характери шундай ҳар қилиниши лозимки, шаҳарнинг баланд тархга эга бўлган худудларидан (айниқса шаҳарнинг марказий қисми) тўларок фойдаланиш лозим. Бу ҳолда қувватлилик ва қурилиши зичлигини ошишини кўзда тутиш керак, катта майдонлар талаб этадиган муассасалар эса камроқ нархга эга бўлган худудларга жойлаштирилиш лозим ва бошқалар.

Шаҳар ерларидан фойдаланишни тавсифлаб берувчи кўрсаткичлар шаҳар худуди ва шаҳардан ташқарида жойлашган аҳоли яшащ ва яшамайдиган худудларга тегишлидир.

Аҳоли яшаш худудларига уй-жой бинолари, жамоат муассасалари, умумий фойдаланиш учун мўлжалланган кўкаламзорлар эгаллаган худудлар, аҳоли яшайдиган худудларга эса саноат корхоналари, ташқи транспорт худудлари. омбор ва қурилишнинг бошка турлари киради.

Шаҳар худуди таркибига шунингдек шаҳар бинолари ташқарисига жойлашган, аммо шаҳар тасарруфида бўлган ерлар ҳам киради.

Худуддан тежамкорлик билан фойдаланишнинг асосий талаби турли аҳамиятга эга бўлган худудларни ўзаро боғлиқ ҳолда тўғри жойлаштириш ва ердан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳисобланади.

Аҳоли яшаш худудларида бунга қаватлилик, зичликни тўғри танлаш, шаҳар ҳаракати талаблари мумкин бўлган чегараларида кўча майдонлари ва ҳаракат йулларини қисқартириш билан эришилади. Кичик туман қурилишлари гигиеник ва маданий - маиший талаблар бўйича ихчам бўлиши лозим.

Кўкаламзорлашган худудлар жуда катта бўлмаслиги лозим ва ажралмас ўзаро боғлиқ тизим кўринишида ҳал қилинган бўлиши керак.

Саноат корхоналари тежамкорлиги ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлариини блоклаш, транспорт ва муҳандислик иншоотлари, қурилиш базалари бўйича саноат корхоналарини кооперациялаш, майдонлардан оқилона фойдаланиш, ортиқча захираларни бартараф этиш билан эришилади, шунингдек омбор хўжаликлари, транспорт иншоотлари ва қурилишнинг йирик, кўринишлари билан эгалланган худудлардан тежамкорлик билан бўлиниш лозим.

Бизнинг шароитларда талаблар мажмуини ҳисобга олган ҳолда кичик лойиҳалашлар 1 гектар худудга 300 кишидан ортиқ аҳоли жойлаштиришни маън этадиган талабдан келиб чиқиш лозим.

Уй-жой бинолариничг. қаватличилигини техник - иқтисодий асосланишга биноан меъморчилик-шаҳарсозлик, ижтимоий-маиший, гигиеник талаблар ва маҳаллий шароитлар ҳисобга олинган ҳолда белгилаш лозим.

Йирик ва энг йирик шаҳарларда. шунингдек худуд кенгайиши шаҳарларда, уларнинг ривожланиши ёки махсус муҳандислик тадбирларини ўтказилишини талаб этувчи худудлар мавжуд бўлса, асосан 9 қаватли ва гоҳида 4-5 қаватли бинолар қўлланишини кўзда тутиш лозим.

Бошқа шаҳар ва посёлкларда одатга кўра 2-4 қаватли бинолар қурилишини қабул қилиш лозим.

Йирик ва энг йирик шаҳарларда 9 қаватдан ортиқ биноларни қуриш ва қўллашга меъморчилик - шаҳарсозлик талабларидан келиб чиққан айрим ҳоллардагина йул қўйилади. Бундай қурилиш учун руйхатни белгиланган тартибларда олиш лозим.

Қишлоқ жойларини режаслаштириш ва қуриш лойиҳаларида 1 ва 2 қаватлиликни қўллашни, аҳоли туридаги бир ва икки квартиралари турар жой биноларини ва кўп квартиралик қулай шароитли турар жой биноларини қўллашни, уй-жой биноларини блоklarга ажратишни ва ҳар бир квартира учун ер майдони ажратишни кўзда тутиш лозим. Маҳаллий шароитларга боғлиқ ҳолда шахсий томорқа хўжалиги юритиш учун зарур бўлган қурилмаларга эга бўлган 4 қаватдан кўп бўлмаган баландликдаги уй - жойлар секцияларини қўллашга руҳсат этилади.

Энг йирик ва йирик шаҳарларда бир, икки қаватли шаҳар қурилишдаги уй-жойларни шаҳаролди жойлаштириш лозим, қолган шаҳарлар ва аҳоли пунктларида биноларнинг бош режалари асосида қурилишнинг шу тури учун махсус ажратилган ер майдонларида жойлаштириш лозим.

Уй-жой қурилиши объектларини жойлаштиришда биринчи навбатда бинолардан бўш бўлган ҳудудлар, шунингдек эски бинолар. эгаллаган майлондардан фойдаланиш лозим.

Аҳоли яшаш ҳудудлари ўлчамларини аҳолининг уй-жой умумий миқдори билан ўртача таъминланганлигидан келиб чикан ҳолда қуйидагича белгилаш лозим қурилишнинг биринчи навбати учун - 15,0 м², ҳисобланган муддатга - 16-18 м заҳирадаги ҳудудлар учун ҳисобланган муддатлар чегарасидан ташқари - 23 м² бир одам учун. Бунда уй-жой билан ўртача таъминланишнинг юқори чегараси оила 3 кишидан кам бўлмаган ҳудудларда 18 м деб қабул килинган, пастки чегараси эса 4 кишидан кўп бўлган оилали ҳудудларда эса 16 м² деб белгиланган.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Шаҳарсозлик иқтисодиётининг асосий вазифаси нима?
2. Шаҳарсозлик иқтисодиётида қандай ички қонуниятлар бор?
3. Шаҳар ўлчамларининг аҳоли ижтимоий шароитларига таъсири қандай?
4. Шаҳарлар ўсишини чегаралаш қандай амалга оширилади?
5. Вариантлар таққослаш қандай амалга оширилади?
6. Аҳоли жойларини оқилона қуришнинг муҳим шарти нима?
7. Аҳоли яшаш ҳудудлари нима?
8. Аҳоли яшайдиган ҳудудларга нимашилар киради?
9. Саноат корхоналари тежамкорлигига хандай эришилади?
10. Уй-жой биноларининг қаватлилиги хандай асосланади?

3.2. АРХИТЕКТУРА - ШАҲАРСОЗЛИК УЖЖАТЛАРИ

Регионал тузилма (аҳоли жойлашувининг юқори босқичи) аҳоли жойлашуви шаклланишининг умумий йўналишини шаҳарсозлик бўйича ўзлаштириш ва аҳоли жойларини ривожланишининг умумий йўналишларини белгилайди. У жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий стратегияси ривожланиши, бутун халқ моддий-маданий фаровонлиги ошишига ёрдам берадиган ҳўжалик ва аҳоли жойлашувини шундай ҳудудий ташкил этиш вазифалари, захиралардан оқилона фойдаланиш, атроф - муҳитни ва яхшилаш асосида турли ҳудудларда, шаҳар ва қишлоқ жойларида турмуш тарзини ва ишлаб чиқаришни тенглаштириш, бутун тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг қарори билан компенсация тўлови билан, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ҳақида» ги қонунига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг маҳаллий органлари бош режа

асосида ҳар қандай ташкилот ва корхоналарга аҳоли пунктлари ерларини ижарага бериш ҳуқуқига эга.

Шаҳар ва қишлоқ истиқомат жойларини бориш шаҳарсозлик лойиҳа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг «Ер ҳақида» ги қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маркамаси томонидан белгиланган тартибларга мувофиқ амалга оширилади.

ДАВЛАТ ШАҲАРСОЗЛИК КАДАСТРИ

Давлат шаҳарсозлик кадастри ҳудудлардан табиий ҳўжалик ва ижтимоий ҳуқуқий тартиб бўйича фойдаланиш, учет фаолияти муддати бўйича тартибга солиш аниқ маълумотлар берадиган тизимни шакллантиради.

Давлат шаҳарсозлик кадастри ягона услубий асосда ташкил этилади, аҳоли пунктлари ерлари, шаҳарсозлик бўйича тартибга солинувчи ҳудудларнинг руйхати ва туркумларга бўлинишини аниқлайди, у ҳудудни комплекс равишда иктисодий ва ижтимоий-экологик баҳоланишнинг асоси ҳисобланади.

Давлат шаҳарсозлик кадастрини юргизиш юклатилган мансабдор ишчилар ва ташкилотлар кадастр маълумотлари сифати ва аниқлиги бўйича жавобгарлик олиб борадилар.

Давлат кадастрини юргизиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Регионал аҳоли жойлашуви тузилмаси нима?
2. Туманни режалаштириш тузилмаси нима?
3. Туманни режалаштириш лойиҳасининг объектлари нималар?
4. Бош режанинг вазифаларига нималар киради⁷
5. Давлат режалаштириш лойиҳаари нима?
6. Давлат шаҳарсозлик кадастри нима?

Республикада аҳоли жойлашувининг ягона тизимини ривожлантириш шаҳарсозлик концепциясини акс эттиради. Ўз навбатида аҳоли жойлашувининг ягона тизими турли босқичлардаги тизимларда шаклланади.

Аҳоли жойлашувининг регионал тизимини ривожлантиришнинг шаҳарсозлик концепцияси регионал аҳоли жойлашуви тузилмаларида ишлаб чиқилади. Аҳоли жойлашувининг регионал тузилмасини жойлаштириш ва аҳоли жойларини ҳудудий ривожланиши умумий йўналишининг узок муддатли концепцияларини белгилайди.

Аҳоли жойлашувининг регионал тузилмаси ҳудудий режалаш объектлари ҳисобланган субрегионал ва маҳаллий даражадаги тизимларга бўлинади, улар туманни режалаштириш объектлари ҳисобланадилар.

Туманни режалашнинг 2 та тури бор:

- туманни режалаш турлари: жойларининг ривожланиш, туман

худудининг, транспорт тизими ва мухандислик коммуникацияларининг вазифасига оид қисмларга бўлиш истикболли фаолиятини кенг ташкил этиш вазифалари. маданий алоқалар, аҳоли жойлариаро хизмат кўрсатиш, дам олишни ташкил этиш.

Бу билан бир қаторда шаҳарсозлик ўзлаштиришнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳудудлар бўйича махсус лойиҳа ишлари амалга оширилади. Уларга қуйидагилар киради:

- йирик шаҳарларнинг шаҳар олди ва яшил ўсимликларини режалаштириш лойиҳалари;
- йирик шаҳарлар лойиҳалари, туризм, дам олиш ва табиатни асраш бўйича махсус ишлар.

Йирик шаҳарлар билан туташувчи аҳоли жойларининг ихчам. ўзаро территориал боғлиқ, бўлган гуруҳларнинг шаҳар агломерациясини ривожлантиришни режалаш лойиҳалари ишлаб чиқилади, ҳалқ хўжалигини режалаштириш, шунингдек туманни режалаш тузилмалари ва лойиҳалари асосида ишлаб чиқиладиган бош режаларга мувофиқ амалга ошириладиган шаҳарлар, қишлоқлар ва шаҳар типигаги посёлотлар аҳоли жойларини шаҳарсозлик бўйича шакллантиради ва мавжудлари таъмирланади. Бош режаларни ишлаб чиқишни ТЭО кўрсатиб беради (аҳоли динамикасини асосий характеристикаларини аниқлаш, шаҳарнинг ишлаб чиқариш мажмуаларини ривожлантириш ва ҳудудий ўсиш вариантларини тадбиқ этиш).

Бош режа - лойиҳалаш тизими, унинг вазифалари: қисмларга бўлишни, транспорт алоқалари ва мухандислик ускуналарини ташкил этишни белгиловчи асосий ҳужжат (19-расм).

Махсус бўлим - қурилишнинг биринчи навбати. Бош режаларни деталлаштириш уй-жой ва ишлаб чиқариш мажмуаларида, жамоат марказларида 5-10 йил муддатга ПДП да амалга оширилади.

Қурилишнинг техник лойиҳаштириш қурилишга 2-3 йил ичида тавсия этилган шаҳарсозлик лойиҳалашдан алоҳида бино ва иншоотларни лойиҳалашга ўтишни амалга оширади.

Янги истикомат жойларини жойлаштириш ва мавжудларини ривожлантириш, уларнинг турлари, аҳоли сони, республикани маъмурий территориал бўлиш. истикомат жойлари (шаҳарлар, шаҳар типигаги посёлотлар, овуллар) нинг меъморий бўлишга, иқтисодий ва шаҳарсозлик истикболлари: Ўзбекистон Республикасини ҳудудий ташкил этиш тузилмаси, шаҳар ва қишлоқ истикомат жойларини ҳудудий режалаш ва қуриш тузилма, лойиҳаларига мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳар ва қишлоқ истикомат жойларини ташкил этиш ва йўқ қилиш, уларнинг мавқеи ва чегараларини ўзгартириш тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг

маъмурий-худудий таркиби масалаларини ҳал этиш тартиблари ҳақида»ги қонунида белгиланган тартибларга мувофиқ амалга оширилади.

Шаҳар ва қишлоқ, истикомат жойлари чегарасидаги ҳамма ерлар, уларнинг вазифовий тайинланганлиги ва айси идорага оидлигидан қатъий назар, улардан фойдаланишни тартибга солувчи ва тасдиқланган бош режага мувофиқлигини амалга оширадиган маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тасарруфидадир.

Бош режалар амалда бўлиш муддатидан кейин шаҳарнинг бир меъёردа ривожланишини таъминлаш мақсадида туманни режалаш лойиҳалари ва шаҳарларнинг бош режаларига мувофиқ ривожланиш истиқболларининг бош йуналишлари бўйича истикомат жойларининг чегараларига туташувчи худудий ривожланишни чегаралайдиган шаҳар чизиги белгиланади.

Шаҳар чизигига киритилган ҳамма ерлар давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли шаҳар органлари томонидан назорат қилинади ва ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланишнинг келажакдаги ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланилади.

Шаҳар чизигига киритилган қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари халқ депутатлари шаҳар (қишлоқ) кенгаши билан тузилган шаҳар (қишлоқ) бош режасига мувофиқ ердан фойдаланиш зарурати ҳақидаги ижара шартномалари асосида шу корхоналар тасарруфида қолади.

3.3 МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК БЎЙИЧА ОРГАНЛАР.

Меъморчилик ва шаҳарсозлик бўйича давлат бошқарув органлари қуйидагилар ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат меъморчилик ва қурилиш қўмитаси;
- Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат меъморчилик ва қурилиш қўмитаси; вилоят, шаҳар, туман ва посёлотларнинг меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармалари (бошқарма бўлимлари).
-

МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИ БОШҚАРИШ

Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш давлат қўмитаси барча меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқарув органларига раҳбарлик қилишни амалга оширади.

Вилоят, шаҳар, туман, посёлот меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармалари (бошқармалари, бўлимлари)ни бош меъморлар бошқарадилар.

Меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқаруви органлари ўз ваколатларини меъморчилик-шаҳарсозлик фаолиятининг асосий тамойилларидан келиб чиққан

холда амалга оширадилар

Меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари ўзлари қабул қилган қарорлари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МЕЪМОРЧИЛИК ВА ҚУРИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING ҲУҚУҚ ДОИРАСИ

Ўзбекистон Республикаси меъморчилик ва қурилиш давлат қўмитаси меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасида барча вазирликлар, қўмиталар, идоралар, юридик ва жисмоний шахсларнинг фаолиятини назорат қилувчи махсус ваколатланган давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш давлат қўмитасининг ўз ҳуқуқ доиралари чегарасида қабул қилган қарорлари барча вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, корхона, муассаса, ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш давлат қўмитаси ҳуқуқ доираси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қоида билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш давлат қўмитаси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат шаҳарсозлик интизомлари, лойиҳалаш, қуриш ва қурилиш ашёлари ва конструкциялари ишлаб чиқаришда меъёр ва андозаларга, бино ва иншоотлар қурилиши сифатига риоя қилинишини назорат қилиш,
- мазкур қонун, меъёрлар, қоида ва андозалар талабларини бўзиш билан амалга оширилаётган барча меъморчилик-шаҳарсозлик фаолияти турларини тўхтатиш ва чегаралаш;
- вазирликлар ва идоралар, ўз-ўзини бошқариш органларининг меъёрий актлари қарорларининг амалда бўлишини тўхтатиш, агар улар Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва шаҳарсозлик қонунчилигига зид бўлса;
- Ўзбекистон Республикаси меъморчилик-шаҳарсозлик давлат қўмитаси ҳақида қоидада белгиланган янги ваколатларни амалга ошириш.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ МАҲАЛЛИЙ ОРГАНЛАРИNING МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ДОИРАСИ

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва бошқаруви тасарруфида:

- меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқарувининг тегишли органлари билан келишилган ҳолда назоратдаги ҳудудларда меъморчилик-шаҳарсозлик фаолиятига тегишли бўлган масалаларни ҳал этиш; чегарадош аҳоли пунктлари ва ҳудудлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда дастурлар,

режалар, лойиҳа ва илмий тадқиқотларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

- назоратдаги ҳудудларда жойлашган шаҳар ва посёлок турар жойларини лойиҳа-режалаш ҳужжатлари билан таъминлаш; ошхона жойлаштириш, ҳудудни жой бўйича ташкил этиш, ижтимоий инфраструктурани, транспорт тизимлари ва муҳандислик инфраструктураларни ривожлантириш масалаларини ҳал этиш; шахсий уй-жой мавзеларини ижтимоий - маиший объектлар ва муҳандислик - техник ускуналар билан таъминлаш;
- фуқароларнинг ҳужжатлар ишлаб чиқилишида ва музокарасида қатнашишларини таъминлаш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий органлари объектлари қурилиши бўйича буюртмачи вазифаларини бажариш;
- аҳолининг барча турларини маън этиш, тўхтатиш ёки чегаралаш, агар улар мазкур қонун талабларига тегишли аҳоли пункти қурилишининг тасдиқланган давлат ҳужжатлари ва қоидаларига мувофиқ бўлмаса.

Давлат ҳукумати ва бошқарувининг маҳаллий органлари назоратдаги ҳудудларда аҳоли пунктларининг комплекс ривожланиши бўйича жавобгардирлар.

ВИЛОЯТ, ШАҲАР, ТУМАН ВА ПОСЕЛОКЛАРНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ДОИРАЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш Давлат қўмитаси фаолиятида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва Қурилиш Давлат қўмитаси назоратида туради ва уларга бўйсунди.

Вилоятлар, шаҳарлар ва посёлокларнинг меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармалари (бошқармалар, бўлимлар) давлат бошқарувининг маҳаллий органи ҳисобланадилар ва фаолиятларида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органи. шунингдек Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш Давлат қўмитаси назоратида турадилар ва уларга бўйсундилар.

Қорақалпоғистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш Давлат қўмитаси, республикага бўйсунадиган вилоятлар ва шаҳарларнинг меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармаларининг ҳуқуқ доиралари Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш Давлат қўмитаси билан келишилган, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан тасдиқланган қоидага асосан белгиланади.

Шаҳарлар, туман ва посёлокларнинг меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармалари, бўлимлари ҳуқуқ доиралари мувофиқ равишда Қорақалпоғистон Республикасининг меъморчилик ва шаҳарсозлик Давлат қўмитаси, вилоятларнинг меъморчилик ва шаҳарсозлик бош бошқармалари

билан келишилган, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан тасдиқланган қоида бўйича белгиланади.

Меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган қарорлар улар назоратида бўлган ҳудудлардаги ҳамма корхоналар, муассасалар, ташкилотлар учун мажбурий ҳисобланади.

ТАКРОРЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Меъморчилик ва шаҳарсозлик бўйича қандай органларни биласиз?
2. Меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат органларини бошқариш қандай амалга оширилади?
3. Ўзбекистон Республикаси меъморчилик ва қурилиш Давлат Қўмитасининг ҳуқуқ доирасига нималар киради?
4. Маҳаллий органларнинг меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасидаги ҳуқуқ доирасига нималар киради?

3.4. МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. ФУҚАРОЛАР МАЖБУРЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси меъморчилик-шаҳарсозлик қонунчилиги қурилиш меъёрлари ва қуриш ҳудуднинг ободончилиги талабларига риоя қилишга.
- аҳоли турмуш сифати ёмонлашишига ёрдам берадиган ҳаракатларга йул қўймаслик, тарихий-маданий бойликлар, меъморчилик ёдгорликлари, табиий ва сунъий ландшафтларга зиён етказмасликка,
- қуриш қоидалари ва ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш шартларига мувофиқ ер майлонларига эгалик қилиш ва улардан фойдаланишга меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат органларининг махсус рухсати билангина меъморчилик-шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш;
- шаҳарсозлик фаолиятининг бош субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар келтирмасликка;
- меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат ҳокимияти органларининг талабларини бажаришга;
- меъморчилик ва шаҳарсозлик маҳаллий органлари билан келишилган ва давлат ҳокимияти ва бошқарувининг тегишли органи томонидан тасдиқланган лойиха ҳужжатларига асосан шахсий уй-жой қурилишини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан фуқароларнинг бош ҳуқуқ мажбуриятлари белгиланган мумкин.

Меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасила хорижий фукаролар Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси томонидан қабул килинган ҳолда белгиланади.

МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДА ИЖОДИЙ ВА БОШҚА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

1. Меҳнат жамоалари, территориал ўз-ўзини бошқариш органлари. ижодий ва бошқа жамоат ташкилотлари. диний бирлашмалар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- инсон соғлиги учун зарарли бўлган ифлосланиш манбалари, шовқин-сурон ва бошқа ноқулайликларни фаш этишда қатнашиш ва уларнинг бартараф этилишнни талаб қилишга;
- меъморчилик-шаҳарсозлик органлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига аҳоли турмуш тарзи шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар киритишга;
- муҳим ҳалқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган йирик мажмуалар ва айрим бино ва иншоотлар лойиҳаси, меъморчилик-шаҳарсозлик дастур ва лойиҳаларининг экспертизасини ўтказишга;
- меъморчилик - шаҳарсозлик қонунчилиги, дастур, режа ва лойиҳалар ишлаб чиқаришида ва музокарасида қатнашишга;
- меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда ташкил этишга;
- меъморчилик ва шаҳарсозликни ривожлантириш жамоат жамғармаларини ташкил этишга.
- Меҳнат жамоалари территориал ўз-ўзини бошқариш органлари ижодий ва бошқа жамоат ташкилотлари, диний бирлашмалар қуйидагиларга мажбурдирлар:
- Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва шаҳарсозлик бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Жамоат қонуни” низомига, уларнинг бажарилишига амал қилиш;
- қабул қилинган дастур ва лойиҳаларининг тадбиқ этишга ёрдам бериш ва қатнашиш.

БУЮРМАЧИЛАРНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК-ШАҲАРСОЗЛИК ХУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БҲЙИЧА ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Меъморчилик-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича буюртмачилар давлат ҳокимияти ошириш бўйича бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ҳисобланиши мумкин.

МЕЪМОРЧИЛИК-ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Меъморчилик-шаҳарсозлик ҳужжатларни ишлаб чиқувчилар бўлиб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида шундай фаолият кўрсатиши учун рухсатномага эга бўлган давлат, идоравий лойиҳа ташкилотлари, шахсий ижодий меъморчилик устахоналари ҳисобланиши мумкин.

1. Ҳужжат ишлаб чиқувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган меъёрий тартиб чегарасида буюртмачилар ва меъморчилик-шаҳарсозлик бошқаруви органлари билан келишилган ҳолда ишлаб чиқилган ҳужжат таркиби, ҳажми ва баҳосини аниқлашга;
- буюртма қабул қилиш кўрикларида қатнашишга;
- лойиҳада қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат (муаллифлик текшируви) ни амалга ошириш;
- қурилиш ишларини, улар тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари, меъёрий талаблардан четга чиқиб кетган ҳолда ва одамлар ҳаёти ҳамда ҳавф туғдирувчи, тарихий ва маданий бойликларнинг, шу жумладан меъморчилик ва шаҳарсозлик ёдгорликларининг, табиий ландшафтларнинг бўзилиб кетишига сабаб булувчи, шунингдек давлат фуқаролари ва юридик шахслар мулкига, ҳуқуқлари, манфаатларига зарар етказувчи омиллар билан бажарилган тақдирда тўхтатиб қўйиш ёки тўхтатиб қўйиш;
- ҳаракатлари меъёрий актлар, тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига зид келадиган ёки ҳужжат ишлаб чиқувчиларининг бошқа ҳуқуқларини чегирадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва бошқа субъектлар ҳаракатлари бўйича даъвогарлик қилишга, шу жумладан суд тартибида;
- зарур бўлганда белгиланган тартибларда ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга;
- 2. Меъморчилик-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчилар қуйидагиларга мажбурдирлар:
- лойиҳалашни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсатномага эга бўлишга;
- Ўзбекистон Республикасининг қонуни ва бошқа қонунлари талабларига риоя қилишга;
- Меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат бошқаруви органларининг ўз ҳуқуқ доиралари чегарасида қўйган талабларини бажаришга

2. Хорижий юридик шахслар ва фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида лойиҳалаш фаолиятини фақат рухсатнома олган шароитда ва Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигига риоя қилгандагина амалга оширишлари мумкин.

МЕЪМОРЛАРНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИ.

1. Хужжат ишлаб чиқувчиларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексида белгиланган тартибда *муаллифлик ҳуқуқи* қўлланилади.

Меъмор хужжат ишлаб чиқувчининг муаллифлик ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш Давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган меъморнинг муаллифлик ҳуқуқлари ҳақида қондаси билан тартибга солинади.

Меъморчилик асари бўлиб эскиз, лойиха, шаҳарсозлик режаси, фикр, объектив шаклда келтирилган концепция, айнан у бўйича амалга оширилувчи объект ва мажмуалар ҳисобланади.

2. Меъмор-муаллиф тасдиқланган лойиха бўйича лойиҳалаш ва лойиҳани амалга оширишнинг ўзи иштирок этган босқичларидаги лойиҳавий қарорларнинг профессионал даражаси бўйича жавобгарликка эгадир.

Белгиланган тартибларда тасдиқланган меъморчилик-шаҳарсозлик хужжатлари муаллиф ишлаб чиқувчи билан келишмаган ҳолда қурилиш жараёнида ўзгартирилиши мумкин эмас.

ПУДРАТЧИЛАРНИНГ МЕЪМОРЧИЛИК-ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

Пудратчи бўлиб махсуслаштирилган корхона, ташкилотлар ва бошқа ишлаб чиқариш тизим ва жамоалар, уларнинг қайси идорага тегишли эканлигидан қатъий назар, қурилиш ишларини бажариш ҳуқуқини берувчи рухсатномаси бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланиши мумкин.

Пудратчилар қўйидаги ҳуқуқларга эга:

- буюртмачилар, лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда бино ва иншоотларнинг янги конструктив қарорларини ишлаб чиқишга қатнашишга;
- лойиҳа муаллифлари ва меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат бошқаруви органлари ва буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳа хужжатларига меъморчилик - тасвир акси ва қарорларини бузмасдан, техник-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайдиган ўзгартиришлар киритиш; лойиҳа муаллифидан барча зарур техник маслаҳатларни олишга.

ПУДРАТЧИЛАР МАЖБУРЛАР:

- тасдиқланган лойиҳавий хужжатларга аниқ мувофиқ равишда, бинолар зилзилабардошлиги, мустаҳкамлиги ва сифатини таъминлаган ҳолда уй-жой, жамоат, ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари қуриш амалдаги республика қурилиш меъёр ва қоидалари талабларига риоя қилган

муҳандислик коммуникациялари ва иншоотлари қурилишини, ободонлаштиришни амалга оширишга;

- меъморчилик ва шаҳарсозликда ҳолат бошқарув органлари ва муаллифлик назорати томонидан белгиланган талабларни бажаришга.

Пудратчилар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда биноан бино ва иншоотларнинг кафолатли муддати давомида умрнинг сифати бўйича жавобгардирлар.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари нималар?
2. Фуқаролар нималарга мажбурлар?
3. Ижодий ва бошқа жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималар?
5. Меъморчилик-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
6. Меъморларининг муаллифлик ҳуқуқлари нималар?
7. Пудратчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималар?

3.4.МЕЪМОРЧИЛИК-ҚУРИЛИШ НАЗОРАТИ

МЕЪМОРЧИЛИК-ҚУРИЛИШ НАЗОРАТИ МАҚСАДИ.

Меъморчилик-қурилиш назорати барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, кооператив, жамоат ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шу жумладан хорижий юридик шахслар ва фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик - шаҳарсозлик қонунчилигининг яшаш муҳитини шакллантириш, аҳоли пунктларини режалаштириш ва қуришнинг белгиланган меъёрлари, лойиҳавий қарорлар, ишлар ва фойдаланиш сифати бўйича талабларига риоя қилиниши мақсадида амалга оширилади.

МЕЪМОРЧИЛИК-ШАҲАРСОЗЛИК ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Меъморчилик - шаҳарсозлик давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва қурилиш Давлат қўмитаси давлат инспекциялари ва меъморчилик ва шаҳарсозлик маҳаллий органлари (Давлат назорат-давлат меъморчилик-қурилиш назорати) томонидан амалга оширилади.

Давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва

фуқароларнинг ҳар қандай шаклда меъморчилик - қурилиш давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларга қадар бажариб келаётган қонуний фаолиятларга тўсқинлик қилиш мақсадига тайзик уни уюштирганлар Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари меъморчилик - қурилиш назорати давлат инспекторларига уларнинг ўз хизмат вазифаларини бажаришларида Давмамқурназорат давлат инспекторларининг хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилмасдан шахсларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишни таъминлаш билан амалий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Меъморчилик - қурилиш назорати давлат инспекциялари ҳуқуқ доирасига қуйидагилар киради:

- лойиҳалашда, қурилишда ва қурилиш ашёлари ва маҳсулотлари ишлаб чиқишда белгиланган меъёр ва андазаларга риоя қилиниши, шаҳар ва қишлоқ турар жойларини режалаштириш ва қуришда лойиҳавий қарорларга риоя қилиниши, иш сифати устидан назорат олиб бориш;
- тегишли ҳукукий органларга корхона, муассаса, ташкилотлар мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар, шу жумладан хорижий юридик шахсларни аҳоли турмушн мухнтининг сифати, режалаш, қуриш, объектларининг меъморий кўринишини ёмонлашувига олиб келган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарликка тортиш ҳақидаги маълумотлар киритиш;
- қарорлар меъёрнй талабларни бузиш билан амалга оширилган объектларни қурилншн ва фойдаланишга топширилишини тўхтатиб туриш, ва бу ҳақда тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар ва идоралар, молия органлари, буюртмачи ва унинг юқори ташкилотига етказиш;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган «Меъморчилик-қурилиш назорати ҳақидаги қоидага мувофиқ бошқа вазифалар.

Меъморчилик-қурилиш давлат назорати фармойишлари шаҳарсозлик, меъморчилик-режалаш ва қурилиш ишларини амалга оширувчи барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, корхона, ташкилот ва муассасалар, шунингдек турар жойлар қурилиши, таъмирлаш, тиклаш ва ободонлаштиришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатлар юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар бажариши учун мажбурийдир.

Меъморчилик-қилиш давлат назорати инспекцияларининг талаблари молиявий ва ҳуқуқи органлари томонидан тадбирлаштириш учун мажбурийдир.

Буюртмачи, ҳужжатлар ишлаб чиқувчи ва пудратчиларнинг назорат

Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик-шаҳарсозлик давлат бошқаруви органи томонидан белгиланган тартибларда амалга оширилади.

МЕЪМОРЧИЛИК-ШАҲАРСОЗЛИК ЖАМОАТ НАЗОРАТИ

Меъморчилик-шаҳарсозлик жамоат назорати. Меъморлар уюшмаси ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

Жамоат ташкилотлари меъморчилик-шаҳарсозлик қонунчилигига риоя қилиниши, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида бирлашмалари ва жамоат бирлашмалари Низомлари ҳақида» қонунига мувофиқ тасдиқланган шаҳарсозлик режалари ва дастурларининг оширилиши устидан назорат килади.

МЕЪМОРЧИЛИК-ШАҲАРСОЗЛИК ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ

МЕЪМОРЧИЛИК-ШАҲАРСОЗЛИК ФАОЛИЯТИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

Меъморчилик шаҳарсозлик фаолияти субъектлари қуйидагиларда айбланадилар:

- республиканинг жойлаштириш бўйича дастурлари ва схемалари, вилоятларни ҳудудий режалаштириш схема ва лойиҳалари. шаҳарсозлик дастурлари ёки ривожлантириш схемалари, шаҳарлар шаҳар туридаги қишлоқлар ва қишлоқ аҳоли пунктлари учун белгиланган қоидаларни бузганликлари оқибатида объектнинг, аҳоли пунктининг, табиий ландшафтнинг меъморий-тасвирий кўриниши бузилганлиги учун;
- меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат органлари билан келишилмаган ҳолда хохиши билан объектларни жойлаштириш ва уларни (қуришда);
- меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат бошқаруви органлари ходимларини амалдаги режалаш ва меъёр ва қонунлари ҳужжатларига зид равишда қабул қилишга мажбурлар;
- меъморчилик ва шаҳарсозлик давлат бошқаруви органлари ходимларига ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилишда;
- меъморчилик ва шаҳарсозлик тарихий ёдгорликларига жисмоний зарар етказишда;
- тасдиқланган лойиҳа - смета ҳужжатларисиз қурилишни амалга оширишда шунингдек лойиҳа муаллифининг розилигисиз ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқариш жараёнида лойиҳавий қарорларни ўзгартиришда;
- муҳандислик - ҳимоя тадбирларини бажармасдан хавфли геологик ва

гидрогеологик зоналарида объектлар жойлаштиришда;

- тарихий пайдо бўлган муҳандислик - геологик, гидрогеологик ва геозкологик шароитларни меъморий ёдгорликлар зоналарида уларнинг табиий назорат чегараси доирасида бузишда;
- белгиланган тартибларни |бузиш билан меъморчилик- шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишда.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗ ҲОҲИШИ БЎЙИЧА ҚУРИЛИШ ОЛИБ БОРГАНИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ўз ҳоҳиши билан (қурилган уй-жой, ҳўжалик ва маиший бино ва иншоотлар қурилишни амалга фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ҳисобидан бузишга ҳукм қилинади. Улар томонидан бу талаб бажарилмаганида бино ва иншоотларнинг бузилиши тартиби айбдорларнинг ҳисобидан амалга оширилади.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ.

Меъморчилик-шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш билан келтирилган моддий зарар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартиб бўйича тўла ҳолда қопланади.

МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК СОҲАСИДА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ: НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ОРГАНЛАРИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ОРГАНЛАРИ ВА ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

Шаҳарсозлик қурилиш фаолияти жараёнида келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ёки арбитраж суди томонидан ҳал маҳаллий давлат ҳокимият ва бошқаруви органлари ҳудудида меъморчилик-қурилиш фаолиятининг субъектлари орасида чиққан низолар томонидан меъморчилик-шаҳарсозлик маҳаллий давлат органлари ходимлари билан ҳал этилади.

Бир томон хорижий юридик шахс ва фуқаро, фуқаролиги бўлмаган бўлса келиб низолар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси меъморчилик ва шаҳарсозлик қўмитаси қатнашуви билан ҳал этилади.

Меъморчилик-шаҳарсозлик фаолияти бўйича турли вилоятлар ёки Ўзбекистон Республикасининг бирор вилояти субъектлари орасидаги чегарадош ҳудуд ва яшаш жойларини ташкил этишга боғлиқ бўлган низолар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикасининг меъморчилик ва шаҳарсозлик Давлат қўмитаси иштирокида ҳал этилади. Битта

давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотлари орасидаги бошқа ҳудудида чегарадош ҳудудлар ва яшаш жойларини комплекс ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган низолари манфаатдор томонлар комиссиялари томонидан кўриб чиқилади. Агар комиссиялар бир томонлама қарорга келмаган бўлсалар, берилган масалалар бўйича низолар давлатларaro келишувлар билан белгиланган тартибларда ҳал этилади.

Хорижий юридик шахслар, фуқаролар, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар низолари ҳал этиш тартиби.

Хорижий юридик шахслар, фуқаро ва фуқаролиги бўлмаган шахслар низоси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги томонидан белгиланган тартибларда ҳал этилади.

ТЕКШИРИШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Меъморчилик - қурилиш назорати нима?
2. Меъморчилик - шаҳарсозлик жамоат назорати нима?
3. Меъморчилик - шаҳарсозлик қонунчилигини бузганлар қандай жавобгарликка тортиладилар?
4. Меъморчилик ва шаҳарсозлик соҳасидаги низолар қандай ҳал этилади?

ТЕРМИН ВА ТУШУНЧАЛАР

МЕЪМОРЧИЛИК - белгиланиши, жамиятнинг техник замонавий имкониятларига мувофиқ равишда инсонлар яшаши ва фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган, моддий-ташкилий муҳитни яратувчи бино ва иншоотлар (шунингдек уларнинг мажмуалари) ни лойиҳалаштириш ва қуриш санъати.

Санъат туридек меъморчилик маънавий маданият соҳасига киради, инсон атрофини эстетик жиҳатдан шакллантиради, жамоат жойларини бадиий кўринишда намоён этади.

Жамиятнинг тарихий ривожланиши иншоотларнинг турлари ва вазифаларини белгилайди (ички ташкил этилган майдонли бинолар, очик бўшлиқлар ташкил этувчи иншоотлар, иншоотлар ансамбли), меъморий иншоотларнинг техник, конструктив тизими.

Меъморчилик томонидан аҳоли пунктлари жойларини ташкил этиш, шаҳар ва қишлоқлар яратиш, жойлаштириш тизимини тартибга солиш муҳим соҳага, яъни шаҳарсозлик соҳасига ажралиб чиқади.

ШАҲАРСОЗЛИК – шаҳарлар, шаҳар агломерациялари, қишлоқ ва бошқа турар жойлар, айрим объектларни режалаштириш ва қуришнинг назария ва амалиётидир.

Замонавий шаҳарсозликнинг асосий вазифалари - индивидуал кўринишга эга бўлган шаҳар ва қишлоқлар яратиш, қурилишларнинг бир хиллигидан воз кечиш, эски шаҳар марказларини ва илмий асосланган ҳолда таъмирлаш,

маданият ёдгорликларини сақлаш ва тиклаш, уларни замонавий бинолар билан уйғунлаштириш.

Шаҳарсозлик ижтимоий-иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг мураккаб мажмуини (қамраб олади, шу жумладан ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш, аҳолини жойлаштириш ва турар жойларни бир меъёردа ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳисобга олган ҳолда уларни таъмирлаш ва ободонлаштириш; йул ва транспорт тармоғини ташкил этиш; шаҳар қурилишини индустриаллаштириш; эстетик талаблар, миллий ва тарихий хусусиятлар, маҳаллий табиий-иқлимий шароитларга жавоб берувчи қулай турмуш муҳитини, турар жойларнинг меъморий-бадий кўринишини шакллантириш.

ҚУРИЛИШ АГЛОМЕРАЦИЯСИ - бутун вазифавий жойли пункт ҳосил қилувчи айрим-айрим аҳоли пунктларининг ўзаро фаолияти.

АМОРТИЗАЦИЯ - қурилма иншоотларнинг жисмоний бузилиши.

АНТРОПОГЕН ФАОЛИЯТИ - инсоннинг атроф-муҳитни қайта ташкил этиш бўйича фаолияти.

ТУРАР ЖОЙЛАРНИНГ БОШ РЕЖАСИ - асосий меъморчилик - шаҳарсозлик ҳужжати. Унда қуйидагилар кўрсатилади: шаҳар, қаватлилик ва сон бўйича ноҳия ва микрорайонларга зоналанган яшаш территориялари маъмурий-жамоат бинолари жойлашуви; шаҳар транспорти тармоғи, асосий транспорт магистраллари жойлашуви, кўчалар ва бошқалар. Бош режа шаҳар қурилишини - ривожлантириш ва таъмирлаш бўйича тadbирлар амалга ошириш учун меъморий, техник ва юридик асос ҳисобланади.

ҚИСМЛАБ РЕЖАЛАШ ЛОЙИХАСИ - бош режали қисмлашни амалга оширади. Унда режалаш масалалари билан бир қаторда қурилишни ташкиллаштириш ҳал қилинади, айрим бино ва иншоотларни лойиҳалаш учун асос қилинади. Қисмлаб режалаш лойиҳалари қурилишнинг биринчи навбатини қамраб олади ва 5-10 йил муддатга ишлаб чиқилади.

ҚУРИШ ЛОЙИХАСИ - шаҳарсозлик лойиҳалаштиришдан, лойиҳалаштиришга ўтишни амалга оширади. Уларда қуриш характери ва қўлланилаётган бинолар тури бўйича тавсиялар билан жойни ташкил этиш масалалари қисмлар бўйича ҳал этилади. Улар қурилишнинг аниқ, муддатлари (2-3 йил) ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилади ва меъморчилик-лойиҳа қарорлари қабул қилинишининг асоси бўлиб хизмат қилади.

ТУРАР ЖОЙ -унинг истиқоматчилари билан бир бутун қилиб олинувчи доимий ёки даврий яшаш ва фаолият кўрсатиш турар жойи ижтимоий географик номланишга эга турар жойлар турли шаклдаги майдонларга эга бўлиши мумкин, турли қишлоқ хўжалик вазифаларига, катталикларга, маъмурий мавқега ва ҳолларга эга бўлиши мумкин. «Турар жой» тушунчаси шаҳарсозлик объектининг туркуми сифатида чиқади.

ШАҲАР - қонунчилик билан берилган туркумга тегишли қилиб қўйилган турар жой. Қоидага биноан, кўпроқ фаолиятининг ноқишлоқ хўжалик соҳасида машғул бўлган аҳоли (қишлоқ турар жойларига аҳоли сонининг катта қисмига эгадир. Катта шаҳар жамият пайтида қишлоқ фаолиятининг янги шакллари тарқатуви сифатида чиқади, замонавий урбанизацияни белгилайди ва ижтимоий-маданий, маънавий-иқтисодий, техник ва экологик табиатнинг мураккаб ижтимоий тизимини ташкил этади.

ШАҲАРСОЗЛИК ДАСТУРИ - прогнозлаштиришга, ижтимоий лойиҳалаштиришга, заҳиралар, бажариш муддатлари, дастури бажарувчилар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда стратегик ва тез қарорлар қабул қилинишига йуналтирилган янги турдаги ҳужжатдир. У кенг ва мураккаб шаҳарсозлик тизимларини тартибга солишни ривожлантириш учун ишлаб чиқилади.

ДИФФЕРЕНЦИАЛ ЁНДАШИШ - объектга индивидуал ёндашиш, аниқ ҳолатларни ҳисобга олувчи у ёки бу масалани ҳал этиш.

САРМОЯЛАР - бир мақсадга йуналтирилган пул маблағлари.

ИНФРАСТРУКТУРА - ўзаро боғланган объект, элементларнинг (транспорт, муҳандислик тармоқлари, маданий-маиший хизмат муассасалари ва бошқалар) тармоқланган кенг қўламли тизими.

КАДАСТР - бошқарувнинг барча даражаларига хизмат кўрсатувчи давлат бошқаруви ва ҳуқуқининг ягона марказлашган маълумот тизими.

Кадастр шаҳарсозлик соҳаси ичига маълумотнинг 3 қисmini олиши керак: географик (картография, режалаш ва бошқалар), матн (меъёрий актлар, адабиёт ва бошқалар), стратегик (турар жой ва шаҳарсозлик ривожланишини кўрсатувчи маълумотлар).

КОМПЕНСАЦИЯ:

а) шароитларни тенглаштириш ва текислаш мақсадида қурилган зарарни қоплаш;

б) зарарларни қоплаш, моддий зарарларни пул маблағлари билан қоплаш.

ҲУҚУҚ ДООРАСИ - бирор кимсанинг ҳуқуқий ваколатлари доираси.

ЛАНДШАФТ МЕЪМОРЧИЛИГИ - инсон томонидан ўзлаштирилган ҳудудлар, аҳоли пунктлари, меъморчилик мажмуалари ва иншоотларнинг табиий ландшафт билан бирлашмасини яратиш санъати.

ЛИЦЕНЗИЯ - давлат органлари томонидан қайсидир фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсатнома.

ЛОКАЛЬ - берилган жойга мувофиқ, маҳаллий қишлоқлараро алоқалар, бир-бирига яқин жойлашган аҳоли пунктлари орасидаги алоқалар.

МИГРАЦИЯ - фуқароларнинг уларга истиқомат ва ишлаш жойларини танлаш эркинлигини берувчи бир жойдан иккинчисига қўчиш, ўтиш жараёни.

ОБЪЕКТ - субъектга унинг ашёвий-амалий ва билиш фаолиятида қарама-қарши турувчини кўрсатадиган туркум.

АРХИОЛОГИЯ ЁДГОРЛИКЛАРИ - турар жойлар, шаҳарлар, қадимги руда қазиб чиқариш ва ишлаб чиқариш пунктлари, қалъа, қаср, қабристонлар, қадимги ибодатхоналар билан боғлиқ бўлган моддий маданият манзиллари, ёдгорликлар ва қадимги эпиграфия санъати асарлари.

МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК ЁДГОРЛИКЛАРИ - халқ бинокорлиги, ибодат ва ишлаб чиқариш меъморчилиги, муҳандислик санъати, истехкомлар иншоотлари; меъморчилик ансамбллари, мажмуалари, тарихий марказлар даҳа майдон, кўчалар, қалъа, ҳовли, монументал, тасвирий амалий-декоратив боғ-сайилгоҳ, санъати ва табиий ландшафт билан боғлиқ бўлган шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини режалаш ва қуриш қадимги қоидалар.

САНЪАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ - археология, меъморчилик ва шаҳарсозлик ёдгорликлари билан боғлиқ бўлган монументал, тасвирий, амалий - декоратив ва бошқа санъат турлари асарлари.

ТАРИХИЙ ЁДГОРЛИКЛАР - муҳим тарихий воқеалар, жамият ва давлат, фан ва техника маданият ва турмуш ривожланиши билан боғлиқ бўлган бино, иншоот, тарихий жой ва буюмлар, буюк давлат арбоблари, фан арбоблари, адабиёт ва санъат арбоблари билан боғлиқ бўлган жойлар.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗОНАСИ - ишлаб чиқариш зонаси (худуди - шаҳарнинг функционал - режалаш қисми) унинг ишлаб чиқариш территориялари чегарасида шаклланади, саноат корхоналари ва улар билан бўлган объектларни жойлаштириш учун мўлжалланган, асосий, ечимни ва объект, муҳандислик хизмат кўрсатувчи иншоотларни кооперативлаштириш, жамоат ва илмий-техник марказлари жойлаштириши ўз ичига олади.

ТУМАННИ РЕЖАЛАШТИРИШ - аниқ территорияда ишлаб чиқариш корхоналари, турар жой. транспорт тизими, муҳандислик инфраструктурасини шу территориянинг имкониятларини ҳар томонлама баҳолаш ва унинг шароитларини иқтисодий, меъморчилик-режалаш, муҳандислик-техник шарт ва ҳисобга олган ҳолда оқилона ва боғлиқ ҳолда жойлаштириши таъминловчи лойиҳавий иш турлари.

РЕГЛАМЕНТАЦИЯ - аниқ қоидаларни тайинлаш.

РЕКРЕАЦИЯ - дам олиш, инсон соғлиги ва кучини тиклаш учун мўлжалланган жойлар.

ШАМОЛЛАР ГУЛИ - кўп йиллик кузатишлар бўйича берилган жойда шимол ўсиш тартибини кўрсатувчи вектор диаграммаси. Шамоллар атиргули йули жойларини режалаш (биноларни мақсадга мувофиқ мўлжаллаш) да ҳисобга олинади.

СУБСИДИЯЛАШ- аниқ мақсадларда пул маблағлари ажратиш.

ТЕРРИТОРИЯСИ- яшаш территориялари ва инсон учун зарур бўлган унга хизмат кўрсатувчи объектлар.

ИНТИЛУВЧАН АҲОЛИ - аниқ аҳоли пункти, доимий меҳнат. маданий -

маиший сафарлар, кўчиб юришлар билан боғлиқ бўлган аҳоли.

УРБАНИЗАЦИЯ - жамоат ривожланишида шаҳарлар ролининг ошиш жараёни. Урбанизация белгилари - шаҳарда индустриянинг ўсиши, унда маданий ва сиёсий вазифаларнинг ривожланиши, меҳнатни территориявий тақсимлашни чуқурлаштириш урбанизация учун қишлоқ аҳолисини шаҳарга келиш оқими ва қишлоқ атрофларидан, яқиндаги кичик шаҳарлардан йирик шаҳарларга аҳоли кўчишининг майдон бўйича ҳаракати ўсиши характерлидир.

ШАҲАРСОЗЛИК ЭКОЛОГИЯСИ - шаҳарсозликнинг турар жойларни лойиҳалаш ва қуришнинг экологик томонини ўрганадиган. юксак ижтимоий табиий сифатли экояшаш муҳитини шакллантирувчи ва шаҳарларда табиий муҳитни тиклаш бўйича тадбирлар ишлаб чиқарадиган йуналиши.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Баранов Н.В. «Шаҳарнинг бош меъмори» - М, қурилиш бўйича адабиёт нашриёти, 1973.
2. «Янги шаҳарларнинг бош режалари» Лойиҳалаш бўйича услубий қўлланма. - М.: Қўрнашриёт, 1973.
3. Ким Н.Н. «Саноат меъморчилиги» - М.: Қўрнашриёт, 1979.
4. Латипов Д.В. «Табиий-иклимий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда саноат территорияларини меъморий-режалаш ташкилоти ва қурилиши бўйича тақлифлар» Ўзбекистон, Техник маълумот, № 31. ЎзССР Давқурилиш бинолар таъмири МИЛИ, Тошкент, 1969.
5. Латипов Д.В. «Саноат территорияларини меъморий-режалаш ташкилоти ва қурилишининг баъзи масалалари» - М.: Саноат қурилиши, 1968, № 6.
6. Латипов Д.В. «Ўзбекистон ССР шаҳарларини комплекс қуришнинг баъзи масалалари». Ўзбекистоннинг қурилиш ва меъморчилиги, 1979, № 4, б. 26 -28.
7. Латипов Д.В. «Шаҳарсозлик - комплекслилик муаммоси» Ўзбекистоннинг қурилиш ва меъморчилиги, 1980, № 4, б. 1-4
8. Латипов Д.В. «Ўзбекистонда уй-жой қурилиши сифатини ошириш „йўллари» Ўзбекистоннинг қурилиш ва меъморчилиги, 1981, № 4, б. 4 - 7.
9. Латипов Д.В. «Ўзбекистонда шаҳарларнинг саноат ва яшаш территорияларининг ўзаро алоқасини меъморий-режалаш масалалари. Шаҳар муҳитининг бир бутунлиги ва қулайлигининг уйғунлашуви». - Тошкент, Шаҳарсозлик ЎЗИТЛИ, 1982, 6.397 - 399.
10. Латипов Д.В. «Фан ва шаҳарсозлик лойиҳалаш» Ўзбекистоннинг қурилиш ва меъморчилиги, 1989, № 9, б. 2-4.
11. Латипов Д.В. «Тошкентнинг тарихий обидаларини тиклаш муаммолари» Уй-жой қурилиши, - М.: Қўрнашриёт, 1989.
12. Латипов Д.В. «Фан ва шаҳарсозлик лойиҳалаш» Ўзбекистоннинг қурилиш ва

меъморчилиги, 1989, № 9, б. 2 - 4

13. Марков Е.М. Бутўзова В.П. ва бошқалар. Аҳоли жойлаштиришда кичик шаҳарлар». М.: Куриаигриёт, 1980.

14. Ўзбекистон шаҳарлари бош режаларини амалга ошириш муаммолари. Аҳоли жойлаштириш ва Ўзбекистон шаҳарлари қурилишини мукаммаллаштириш йуллари» тўплами. Тошкент. ШаҳарсозликЛИТИ, 1982, б. 7 - 15.

15. Саноат корхоналари ва тармоклари қурилишида ва лойиҳалашда иссиқ иклимий шароитларни ҳисобга олиш бўйича тавсиялар» М. Саноат бинолари МИЛИ. 1974.

16. Ўзбекистон шароитларида шаҳарлар ва аҳоли жойларининг гуруҳий тузилмаларининг қурилиши ва ободонлаштирилиши, режалаштиришда табний-иклимий хусусиятларни ҳисобга олиш бўйича тавсиялар». Тошкент ШаҳарсозликЛИТИ, 1981.

17. Шаҳарсозлик лойиҳалашда Ўзбекистоннинг ландшафт - жараёнини ҳисобга олиш бўйича тавсиялар». Тошкент, ШаҳарсозликЛИТИ, 1982.

18. “Тошкент ривожланишининг ижтимоий-экологик хусусиятлари Москва журнали, Тошкент, 1991, № 10.

19. | «Ўзбекистон шаҳарларининг қурилишини мукаммаллаштириш ва аҳоли жойлаштиришнинг муаммолари»- Тошкент, Ўзбекистон, 1982.

20. Кравчук Я.Т. (Лиги шаҳарларни шакллантириш». М Курнашриёт, 1973,1 б. 112 раем.

21. Ўрта Осиё шаҳарларида турар жой микрорайонлари» Реф.маъруза. М. Шаҳарсозлик ва меъморчилик бўйича МИЛИ, 1967

22. Смоляр И.М Янги шаҳарлар. Саноат ва илмий ишлаб чиқариш соҳасида шаҳарларни режалаш Курнашриёт. 1972.

23. «Қўм чўллар шароитларида аҳоли жойларини режалаш ва қуриш». Реф. маъруза. М. Шаҳарсозлик меъморчилик бўйича МИЛИ 1968.